

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

# VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2023-yil 9-iyun, №23 (3033)



**BIZ**  
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv\_vatanparvar

instagram.com/mudofaavazirligi

t.me/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'NAVIY-MA'RIFAT VA VATANPARVARLIK GAZETASI

www.mv-vatanparvar.uz



**Mardlik,**  
mahoratda bizning kuchimiz!

## KATTALARGA XOS TAASSUROT

Yoshlikda olingan bilim, toshga o'yilgan naqsh kabidir, deyishadi. Toshkent harbiy okrugi harbiy qismlaridan birida o'tkazilgan ochiq eshiklar kunida yoshlikdagi taassurotlarni ham qalbga muhrlanadigan bitikka mengzadik.

6

## BILIM VA KO'NIKMA SINALMOQDA

O'quv yili yakuni – oliy harbiy ta'lim muassasalarining bitiruvchi bosqich kursantlari uchun «g'alvir suvdan ko'tariladigan palla». Chunki davlat imtihonlari bo'lajak ofitserlarning qay darajada bilim va malakaga ega bo'lishganini sinovdan o'tkazadi.

7

## REKORD KO'RSATKICH TAKRORLANDI

Ozarbayjonda taekvondo WT bo'yicha XXVI jahon chempionati o'tkazildi. Unda ishtirok etgan O'zbekiston terma jamoasi dunyo birinchiliklarida qo'lga kiritilgan medallar soni bo'yicha rekord ko'rsatkichni takrorladi. Avvalgi dunyo birinchiligidagi kabi yana sovrindorlarning uch nafari Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari bo'ldi.

18



# ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур рукн остида берилаётган мақолалар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослангирилган тарзда тушунишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ, САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ҳисобланади. Чунки бу давлат раҳбари – Президентни сайлаш билан боғлиқ, ўта масъулиятли жараён. Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққиғи топиши давлат раҳбари лавозимига энг муносиб номзодни сайлаш ҳамда бу жараёнда сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни демократик тарзда очик ва ошкора ўтказиш билан боғлиқ масалалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов амалиёти ва халқаро сайлов меъёрларига мос равишда қабул қилинган сайлов қонунчилиги асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик ҳужжатлари тизими қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари.

Маълумки, 2023 йил 30 апрель куни мамлакатимиз ҳаётида, том маънодаги улкан тарихий-сиёсий воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта умумхалқ референдумида халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши асосида фуқароларимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинди. Янгилашган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, **биринчидан**, инсон ҳуқуқий мажбуриятлари ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлаш, **иккинчидан**, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг институтлари фаолияти учун зарур барча шароитларни яратиш, **учинчидан**, самарали давлат бошқаруви тизimini шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тамойил ва механизмлар белгиланди.

Янгилашган Конституциямиздаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ қоида-тағаблар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, **биринчидан**, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш орқали мамлакат раҳбари бевосита сайловчилар томонидан сайланади, **иккинчидан**, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг тобора ривожланиши асосида сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантиришдаги фаолиятини

кафолатлайди, **учинчидан**, сайлов тамойиллари ва муддатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мустақил сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилиши таъминланади.

Шунингдек, **Конституциямизнинг 10-моддасида** Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкинлиги, шунингдек, жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас деб белгиланган. Ушбу норма президентлик сайловининг давлат тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқи ҳамда эркинликларини кафолатлашдаги аҳамияти билан боғлиқдир.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига мувофиқ**, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади.

Бундан ташқари, **Асосий қонунимизнинг 74-моддасида** сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиши билан боғлиқ норманинг белгиланиши уларнинг сайлов жараёнидаги конституциявий мақомини мустаҳкамлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақоми Конституциянинг 105-моддасида белгиланган** бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини таъминлашда Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боровчи мансабдор шахс сифатида давлат раҳбарлигига номзодлар учун тегишли талаблар Конституция даражасида мустаҳкамланган.

Хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 106-моддасига** кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловга чамда 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг

Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-боби «Сайлов тизими»га бағишланган бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими оид муҳим тамойил ва нормаларни белгилайди.

Хусусан, **Конституциямизнинг 128-моддасида** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган. Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ушбу моддада сайлов ҳуқуқининг муҳим принциплари мустаҳкамланган бўлиб, сайлов жараёниларини халқаро сайлов стандартлари асосида очик-ошкора ва демократик тарзда ўтказишга имкон беради.

Шунингдек, **Конституциямизнинг 129-моддасига** кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади деб мустаҳкамланган.

**Сайлов ҳуқуқи принципларининг мазмун-моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:**

**Умумий сайлов ҳуқуқи.** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон ирқ, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа этнокодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур деб белгиланган. Шунингдек, мазкур Декларациянинг 21-моддасида халқ иродаси ҳуқуқат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим. Бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу принципнинг моҳияти сайловларнинг умумийлигини, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгаллигини, шунингдек, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгаллигини англатади.

**Тенг сайлов ҳуқуқи.** Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларидаги яхши амалиёт кодексининг 2.1-бандига мувофиқ, «...ҳар бир сайловчи принципал жиҳатдан битта овозга эга» эканлиги белгиланган. Мазкур принцип сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлишини, овозлар тенглигини англатади. Яъни овозларни санашда битта сайловчининг овози бошқаси билан тенглигини, бирор овоз бошқасидан устун эмаслигини ифодалайди.

**Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи.** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга» эканлиги назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролар томонидан бевосита сайланади. Бу принцип сайловчининг бевосита шахсан ўзи, яъни бирон-бир вакилсиз, тўғридан-тўғри ўзи овоз беришини англатади. Бир кишининг номидан бошқаси овоз бериши, ушбу принципга зид ҳисобланади.

**Яширин овоз бериш ҳуқуқи.** 1990 йил 29 июнда қабул қилинган ЕХҲТнинг инсоний ўлчовлари бўйича конференциясининг Копенгаген йиғилиши ҳужжатининг 5.1-бандида «Яширин овоз бериш йўли билан ёки унга тенглаштирилган эркин овоз бериш тартибда, амалда сайловчиларнинг ўз вакиллари танлашда ўз фикрини эркин ифода этишини таъминлайдиган шароитларда ўтказиладиган эркин сайловларни ташкил этиш» назарда тутилган. Ушбу принцип мазмунига кўра, сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоши-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоши-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

(Давоми бор)

Мудофаа вазирлиги  
Тарбиявий ва мафкуравий  
ишлар бош бошқармаси



# ЮКСАК

## МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ВА МУЛОҚОТ МАШВАРАТИ

Мавзу ҳақида фикр юритиш аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу сўзларини келтиришни жоиз деб топдик: «Сизларга яхши маълумки, биз 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилдик. Лекин ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш – бу биз учун бир йиллик иш эмас. Бу масала келгуси фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз».

Давлатимиз раҳбарининг эзгу интилишлари қарийб етти йилдирки, ўз кадр-қимматини йўқотмади. Аксинча, «Инсон қадри учун» таоминини келтириб чиқарди. Бу эса ўз навбатида ҳукуматнинг оддий халқ билан мулоқотига кенгроқ йўл очди. Фуқароларнинг муносабатлари қилиш ҳуқуқлари кафолатланди. Энг муҳими, мулоқот воситасида ватандошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, жамиятда адолат қарор топишига эришилди. Шундай қилиб раҳбар ходимлар ва фуқаролар ўртасида муомала маданияти, мулоқот машварати шаклланди.

Инсоният пайдо бўлибдики, маълум бир тартиб-интизом, қонун-қоидаларга амал қилиб яшайди. Ҳатто ибтидоий даврда одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, фақат қорин тўйдириб гамида яшаган пайтлари ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган ўзига хос қоидалар мажмуаси мавжуд эди. Зотан, башариятнинг бугунги кундаги тараққиёти, жамиятимизнинг юксак маънавият ва бой маданиятида неча минг йиллар давомида шаклланган қонуниятлар намоёнандир. Уларнинг равнақи, албатта, миллий муомала маданиятига келиб тақалади. Чунки инсон борки, сўзлашув, ўзаро мулоқот ва муносабатлар туфайли муомала маданиятига киришади. Шунинг учун қадимда давлат бошлиқлари ҳам халқ билан мулоқот қилиш, маслаҳату машварат масаласига алоҳида эътибор қаратгани тарихий манбаларда акс этган. Зеро, бугуннинг қадрига етиш учун кечаги кунни эсдан чиқармаслик керак. Масалан, Амир Темур ўғитларида шундай сўзлар бор: «Ҳар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим; қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Уларнинг ғимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо фотиҳа беришларини ўтдим. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва ҳеч бир талабларини рад этмадим. Бузуқ ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага тухмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим».

Аллоҳ Абдулла Авлониёвнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ғийбатга шундай таъриф берилган: «Ғийбат деб бир кишининг камчилиги ва қусурини орқасидан сўйламакка айтувур. Ғийбатни сўйламак ҳаром ўлдиғи каби эшитмак ҳам ҳаромдур. Киши ўз нафсига лаззат умиди ила

бировни ғийбат қилуб, этини чайнамак гуноҳ ҳам инсоният номина ярашмаган энг ёмон ахлоқи замималардандур.

Инсон бошқа гуноҳларини нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки сўз бориб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. Ғийбатчидан ўч олмак фурсатини поилар. Шу тариқа ғийбатдан туғилган адоват чўзилмоққа оид бўлуб, душманлик зўраюб ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурғон миллий ишлардан маҳрум бўлмақлари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувиға сабаб бўлурлар».

Фитна-фасод, ифвоу ғийбат соғлом фикрли кишига сира ёқмайди Уларни ёмон кишилар таркатади. Шунинг учун мутафаккир Пахлавон Маҳмуд бобомиз:

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,  
Йўлингга дон сочиб, қўяди тузоқ.

Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан,  
Ўқ ундан қанчалик қочганиға бок, дея бе-

жиз оғохлантирмайди.

Тинчликка раҳна солиш, одамлар орасида ваҳима ҳамда фитна уйғотиш – кечирилмас гуноҳлигини одоб, муомала ва мулоқот-машварат маданияти муносабатларида қандай тушуниш керак?

Биламизки, ислом динида «ислом» сўзи билан «иймон» тушунчаси ёнма-ён келади. Аммо халқ орасида фитна кўзгатиш, осойишта ҳаётга раҳна солиш, одамлар орасида ишончсизлик кайфиятларини уйғотиш исломнинг моҳиятига мутлақо зиддир. Қуръони Каримда «Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир», дея бежиз айтилмайди. Шу ўринда Пайғамбаримизнинг жуфти ҳалоллари Оиша онамизга қилинган тухмат воқеасини эслайлик. Унда Пайғамбар бошчилигида сафардан Мадинага қайтаётган карвон йўлда вақтинча тўхтайдди. Зарурат юзасидан четроққа чиққан ҳазрат Оиша карвондан қолиб кетади. Карвон ортдан келаётган Сафбон (*Сафвон*) ибн Муаттал исми саҳоба уларни ўз тўяларига миндириб манзилга етказди. Шунда қалбларида ҳасад ва адовати бўлган кимсалар Сафбон ва Оиша ҳақида ҳар хил миш-мишларни тарқатадди. Расулulloҳ ҳам бу гапларни эшитиб, бир қанча муддат ўз аёлларига совуқ муомалада бўлади. Сўнг Аллоҳ таолодан «Нур» сурасидаги оятлар ваҳий қилинади. Унда миш-миш тарқатганлар учун бу дунё ва охирада тайинланган жазолар ҳақида хабар берилиб, унга ишониб қолганлар ҳам қаттиқ маломат қилинади. Бу воқеа барчамизга ўрнатқан бўлиши керак.

Шундай савол туғилади: хўш, раҳбар ходимларнинг мулоқот муомаласида қандай хусусиятлар етакчи бўлиши керак?

Раҳбар ходимлар:

- халққа нисбатан очиқ мулоқотда бўлиш;
- ҳақиқатнинг кўзига тик қараш;
- самимий бўлиш;
- мулоқот-машварат давомида газак олдирилган нуқсонларнинг илдизини очиш;
- халқимизни бадном қилишга уринган ёвуз кучларга қарши қатъий кураш олиб бориш;
- кенг тафаккур мушоҳадасига эгалик, мустаҳкам ирода ва эътиқод;
- азму шижоатлилики, мардлик ва донишмандликдаги хушмуомалалик; кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғотиш;
- халқнинг тухмат ва маломатлардан эгилган ахлоқий, чақмоқдек руҳини кўтариш;
- барча соғлом кучлар ҳамкорлигига таяниб, халқни жиқслаштириш, унинг бунёдкорлик куч-гайратини рўёбга чиқариш;
- қонунга, адолатнинг кучига таяниш;
- тинчлик ва осойишталикни энг катта бойлик, деб билиш;
- ислохотлардаги тадрижийлик ва босқичма-босқичликни таъминлаш ҳамда инсон манфаатлари дахлсизлигини ҳар қандай шариоатда ҳимоя қилишни кафолатлаш керак.

Ўта иззатталаб раҳбарлар, ҳатто айрим одамларда ўзаро муомала маданиятининг бизнингча икки жиҳати намоён бўлади:

**Биринчиси**, ўзидаги калондимоғликни улуғлаш. Инсонларнинг «ердан оёғи узилган» ҳолда ўзини туттишидаги муомала ҳеч кимга хўш ёқмайди. Чунки ундаги виқор, ўзини кўрсатиш, таъбир жоиз бўлса, бироз калтабинликни келтириб чиқаради. Демак, бундай инсонларда юксак маънавий маданият, қалб гўзаллиги ва шаффоғлиги етишмайди;

**Иккинчиси**, иззатталаблик. Аслида иззатталаб шахснинг ўзи иззат-эҳтиромга лойиқми? Унда ҳар қандай уруғ-аймоқчилик ва маҳал-

лийчилик манфаатларидан устун турадиган жиҳатлар борми?

Раҳбарнинг юксак муомала маданияти ва мулоқот машварати муштарақлиги қуйидагича ифода қилинади:

- 1) хулқ-атвор;
- 2) ташқи кўриниш;
- 3) миллий хавфсизлик муаммоларида намоён бўлади.

**Биринчидан**, хулқ-атвор муштарақлиги яхши ёки ёмонга бўлинади. Яхши хулқлар жумласига: поклик, собитқадамлик, ростгўйлик, шижоат, ҳаё, матонат, диёнат, қаноат, кадр-қиммат, фаросат, итоат, камтарлик, мулойимлик, хайрихоҳлик, мунислик, афв, садоқат ва бошқалар қиради.

Ёмон хулқларга: худбинлик, ҳасад, хушмамдгўйлик, жаҳл, ғазаб, ғийбат, такаббурлик, тамагирлик, кўра олмаслик, ёлғончилик, чақимчилик, тухмат, бахиллик, очкўзлик, адоват, ҳақорат, нифоқ, зулм, ялқовлик, кўрқоқлик ва бошқалар қиради.

**Иккинчидан**, хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган хушмуомалалик қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади:

- одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- инсонга хайрихоҳлик, эътиборлилики;
- муҳтожларга ўз вақтида ёрдам бериш;
- одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тузатиш;
- кексаларга, болалар ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш ва ҳоказолар.

**Учинчидан**, миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш бизнинг муштарақ вазифаларимиз қаторига қиради. Бу ўринда халқ билан армияни яқинлаштириш, аҳоли орасида ҳарбий касб нуфузини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳолбуки, армия халқнинг жони, ғурур-ифтихори бўлиши, бутун куч-қудратни эл-юртимиздан олиши шарт. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Шундагина ҳеч қандай ёвуз куч Қуроли Кучларимизни енголмайди.**

Ҳа, бугун «Армия ва халқ – бир тану бир жон» деган олижаноб ғоя асосида иш олиб бормоқдамиз. Бинобарин, армия ва халқ – бир тану бир жон экан, куч-қудратимиз ҳам мустаҳкамланаверади.

Орамизда бутун ҳаётини она Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган, бу йўлда қанчадан-қанча оғир синов ва мушкул вазиятларга дуч келган ҳамда уларни мардона энгиб ўтган Қуроли Кучларимиз фахрийлари бор. Нима учун уларнинг мана шундай катта ва таъсирчан тажрибасидан мана шундай улғу мақсад йўлида етарлича фойдаланмаяпмиз?

Биргина мисол. **Абдусамат Тайметов** деган биринчи ўзбек учувчиси фашистлар Германиясининг капитуляцияси, яъни таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжатни самолётда Берлиндан Москвага олиб келганини бугун биров билади, биров билмайди. Бу қаҳрамон юртдошимиз ҳақида фақат Қуроли Кучлар музейида қисқагина маълумот берилган, холос. Нима учун ёшларимиз, аскарларимиз қалбида миллий руҳни тарбиялашга хизмат қиладиган мана шундай халқ қаҳрамонларининг мардлиги ва жасоратини кенг тарғиб этмаймиз? Нега уларни фарзандларимизга ўрнатқан қилиб кўрсатмаймиз?

Дарвоқе, жорий йилнинг 8 май санасида Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув нутқида қуйидагича таъкидладилар:

«Бизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихига, бой ва бетакрор маданиятга эга бунёдкор халқимиз бор. Қирқ миллионга яқинлашиб бораётган бугунги Ўзбекистон халқининг тақдири ва истиқболи, фаровон ҳаёти учун барчамиз масъул ва жавобгармиз. Шу сабабдан юртимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади».

Демак, миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуроли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш – устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

**Карим НОРМАТОВ,**  
тарих фанлари доктори,  
Қуроли Кучлар академияси профессори





# КОМАНДИРЛИК ҚОБИЛИЯТИ

## СИФАТЛИ МАШҒУЛОТДА КЎРИНАДИ

**Ж**ануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий қисмларнинг батальон (дивизион) командирлари билан командирлик ва жанговар тайёргарлик машғулотларини сифатли ташкиллаштириш мақсадида уч кунлик ўқув-услубий йиғин ташкил этилди.



ошириш машғулотларини ташкиллаштиришнинг услуб ва амалларини такомиллаштириш, жанговар тайёргарлик тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишда, жанговар тайёргарлик машғулотларини замонавий интерактив ўқитиш шакл ва усулларини ўргатиш мавзусида маърузалар тингланди.

Йиғин давомида батальон (дивизион) командирлари ва уларнинг ўринбосарларидан синовлар қабул қилиниб, яқунда командирлик ва жанговар тайёргарлик сифатини юқори даражада ташкиллаштира олганлиги учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан тақдирланди.



Йиғин аввалида округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан тегишли кўрсатмалар берилиб, қўшинларда жанговар тайёргарлик йўналишида янгича усул ва услубларни жорий этиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Ўқув-услубий йиғинни ўтказишдан асосий мақсад, юқори қўмондонлик томонидан тегишли кўрсатмалар талабларини етказиш, бўйсунувдаги бўлинмаларда командирлик ва жанговар тайёргарлик сифатини оширишдан иборатлиги таъкидланиб, батальон (дивизион) командири ва уларнинг ўринбосарларининг жисмоний, разведка, тактика, артиллерия оловини бошқариш ва авиацияни жанговар қўллаш, отиш асослари, муҳандислик, алоқа ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларидан билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

Шунингдек, округ қўшинлари қўмондонлигининг масъул офицерлари томонидан командирлик тайёргарлиги сифатини




**III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ**  
Термиз гарнизони



## ДАЛА-ЎҚУВ МАЙДОНИДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари Фарғона дала-ўқув майдонида иккита объект ҳарбий хизматчилар учун тантанали равишда фойдаланишга топширилди.



Таъкидлаш керакки, ян-гидан қурилган қўмондонлик кузатув пункти ва жанговар машиналар директрисаси замон талабларига жавоб беради ҳамда барча қулайликларга эга. Мазкур бинолар қисқа фурсат давомида мустақкам ва дала шароитига чидамли қилиб барпо этилди.

Қўмондонлик кузатув пунктида ўқув синфи, маданий ҳордиқ хонаси ҳамда тактик машғулотларни кузатиш ва бошқариш учун мўлжалланган хоналар мавжуд. Жанговар машиналар директрисаси ҳам барча қулайликларга эга бўлиб, машғулотларни тўлиқ кузатиш имкониятини берадиган хоналарга эга. Шунингдек, ўқув биноси ҳамда ёзги дам

олиш жойлари ҳам бунёд этилган, бу эса ҳарбий хизматчиларга бир қатор қулайликлар тақдим этади.

Мазкур биноларнинг очилиш маросимида Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий оркестр жамоаси ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар иштирок этди. Қурилиш жараёнларида жонбозлик кўрсатган

ҳарбий хизматчиларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилди. Яратилган бундай имкониятлар юрт поспонларининг амалий машғулотларда янада кўпроқ билим ва кўникмаларга эга бўлишларига хизмат қилиши таъкидланди.

**Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати**

### ✓ ШАҚИРУВГА ҚАДАР



## ТАЖРИБА ОШИРИЛДИ

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумтаълим муассасаларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари учун бир кунлик ўқув-услубий машғулот ўтказилди.

Таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш ва сифатини янада ошириш, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари билан услубий маҳоратни такомиллаштириш борасида тўпланган тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашиш ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг илғор усуллари тарғиб этиш ва амалиётда қўллаш масалаларига ягона тарзда ёндашилишини шакллантириш мақсадида ташкил этилган машғулотлар «Нукус» ҳамда «Янгиариқ» дала-ўқув майдонларида бўлиб ўтди.

Йиғинда Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман (шаҳар)ларидан жами 590 нафар, Хоразм вилоятдан эса 431 нафар чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси иштирок этди.

Ўқув-услубий машғулотлар давомида фан ўқитувчиларига мутахассислар томонидан Марказий Осиё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, Умумҳарбий низомлар талаблари, ҳарбийликка оид қонун ва раҳбарий ҳужжатлар, чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш

бўйича умумий қоидалар борасида назарий билимлар етказилди. Қуролли Кучлардаги мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар кўرғазмаси ҳамда уларнинг жанговар имкониятлари намойиш этилди.

Машғулот иштирокчилари ўқотар қуролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, оммавий қирғин қуролларидан химояланиш воситаларидан фойдаланиш, ҳарбий топография, тактика, саф тайёргарлиги, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби машғулотларда иштирок этиб, бу борадаги

амалий кўникмаларини янада мустақкамлашди.

Бир неча йиллардан буён анъана тусига кирган бу каби машғулот ва йиғинларнинг натижаси ўларок, ёшлар орасида ҳарбий хизматга бориш истагини билдираётганлар кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Машғулот сўнгида юқори натижаларни қўлга киритган ўқитувчилар Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони томонидан рағбатлантирилди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**



# БИР ЎРИНГА 20 НАФАРДАН ОРТИҚ

Жорий йилда мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришни истаган ёшлар 15 мингдан зиёд бўлиб, номзодларнинг сони бир ўринга 20 нафардан ортиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг анжуманлар залида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълумот берилди.



«Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби ва давлат тест синовларини топшириш жараёни» мавзусидаги матбуот анжуманида мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби, Мудофаа вазирлиги ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси, тиббий таъминот бошқармаси, Ҳарбий-касбий саралаш маркази вакиллари иштирок этди.

Анжуман аввалида журналистларга Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Қуролли Кучлар Академияси, Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти, Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик

лицейларига қабул тартиблари ҳақида умумий маълумот берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, танлов босқичлари соддалаштирилган, бюрократия ва инсон омилининг аралашувига чек қўйилган, очиқлик сиёсатига асосланган.

Дастлабки саралаб олиш тадбирларининг биринчи босқичи фуқаро ёшлар учун мудофаа ишлари бўлимларида, ҳарбий хизматчилар учун хизматни ўташ жойида 1 февралдан 31 мартгача ўтган бўлса, иккинчи босқич фуқаро ёшлар учун мудофаа ишлари

бошқармаларида, ҳарбий хизматчилар учун Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва тиббий муассасаларида 10 апрелдан 31 майгача ўтказилди. Бу жараёнда номзодларнинг индивидуал-психологик ҳолати (*ёзма шаклда*), жисмоний тайёргарлик даражаси (*турникда тортилиш, 100 – 3 000 метрга югуриш*) баҳоланди. Мукамал тиббий кўрикдан ўтказилди.

Танлов босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодлар тест синовларига киритилади. Тест синовлари июль-август ойларида номзодлар танлаган ҳудудларда ўтказилади.

Тест топшириш фанлари:

1-блок – (*мажбурий фанлар – она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи*) ҳар бирида 10 тадан савол. Ҳар бир тўғри жавобга 1.1 балл берилади;

2-блок – (*таълим йўналишига мос фанлар – математика, физика*) ҳар бирдан 30 тадан савол. Ҳар бир тўғри жавобга мос равишда 3.1 ва 2.1 балл берилади.

Анжуманда курсантларнинг таълим жараёнлари, халқаро ҳамкорликлар, имтиёзлар ҳақида ҳам сўз борди. Шунингдек, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига университет, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртига институт мақоми берилиши бўйича амалий ишлар бошлангани билдирилди. Спикерларнинг маълумотида кўра, жорий йилдан Урганч шаҳрида Мудофаа вазирлигига қарашли «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўз фаолиятини бошлайди.

Фурқат ЭРГАШЕВ

## “YOSHLAR OYLIGI”

# КАТТАЛАРГА ХОС ТААССУРОТЛАР

Ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир, дейишади. Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисмларидан бирида ўтказилган очиқ эшиклар кунда ёшлиқдаги таассуротларни ҳам қалбга муҳрланадиган битикка менгзадик.



Ҳарбий муассасага келган Тошкент вилояти умумтаълим мактаблари қошидаги «Қалқон» жасорат ҳарбий-спорт мактабларининг ўғил-қизлари аввалига қисқа муддатли видеороликда Ватан ҳимоячиларининг ҳаёти, фаолияти, шарт-шароитлари билан яқиндан танишган бўлса, кўп ўтмай ҳарбий қисм бўйлаб ўтказилган экскурсияда буларнинг барчасига ўзлари гувоҳ бўлдилар.

– Ушбу тадбир қизғин савол-жавобларга бой бўлди. Ким савол беради? Албатта, қизиқиши бор инсон. Очиқ эшиклар кунда қатнашаётган ёшларнинг катталарга хос таассурот ва хулосаларига гувоҳ бўлдик, – дейди подполковник Отабек Қиёмов. – Мудофаа

вазирлиги қўшинларида «Ёшлар ойлиги» доирасида «Янги Ўзбекистон – ёшлар мамлакати!» шиори остида ўтказилаётган кенг кўламли ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, албатта, тез орада ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

Ҳарбий психолог билан ўтказилган тренинг кўпчиликнинг нафақат ёдида қолди, балки уларнинг ўзларига бўлган ишончини оширди, қобилиятини реал баҳолаш имкониятини берди.

Ҳарбий қисм билан таълим муассасалари ўртасидаги доимий ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»



Ўқув йили якуни – олий ҳарбий таълим муассасаларининг битирувчи босқич курсантлари учун «ғалвир сувдан кўтариладиган палла». Чунки давлат имтиҳонлари бўлажак офицерларнинг қай даражада билим ва малакага эга бўлишганини синовдан ўтказди.



# БИЛИМ ВА КЎНИКМА СИНАЛМОҚДА



Айни кунларда Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида битирувчи босқич курсантларининг якуний давлат имтиҳонларини топшириш жараёнлари бўлиб ўтмоқда. Унда бўлажак офицерлар гуманитар фанлар, махсус-тактик

тайёргарлик, хорижий тиллар ҳамда ҳарбий махсус ва ҳарбий техника тайёргарлик бўйича 2 йил давомида олган назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказган ҳолда, устозларидан олган сабоқларини оқламоқда. Гуманитар фанлар бўйича якуний мажмуавий давлат аттестациясида курсантлар тарбиявий ва мафкуравий ишлар услубияти, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий ва маърифий асослари, ҳарбий

психология ва педагогика, ҳарбий ҳуқуқ асослари фанлари бўйича белгиланган имтиҳондан ўтдилар. Давлат аттестация комиссияси аъзолари курсантларнинг билим, малака ва кўникма даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига қанчалик мувофиқлигини шаффоф ва холисона баҳолашмоқда.

Худди шунингдек, Қуролли Кучлар академияси, Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам якуний давлат имтиҳонлари ўтказилмоқда.

**Рўзиқул ОЧИЛОВ,**  
«Vatanparvar»

✓ **TIBBIY KO'RIK**

## САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК



**Н**укус ҳарбий госпиталида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан «Ҳарбий прокуратура – армия прокуратураси» шиори остида куч тузилмалари ҳарбий қисм ва муассасаларининг аёл ҳарбий хизматчиларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларни эрта аниқлаш ва тиббий маслаҳатлар бериш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.

Тиббий кўрик бошланишидан аввал ҳарбий госпиталнинг мажлислар залида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Зухра Рейимова, Мудофаа вазирлиги ҳарбий

хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова, Республика Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия майори Гулчехра Турсунова, Нукус ҳарбий прокурори адлия полковниги Улуғбек Абдурахимов

томонидан хотин-қизларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга яратилаётган имкониятлар мавзусида маъруза қилинди. Тиббий кўрикка кардиолог, терапевт, гинеколог, офтальмолог, лор, невролог, эндокринолог, жарроҳ, онколог, маммолог, стоматолог ва тери-таносил касалликлари шифокорлари жалб этилди, шунингдек, УТТ, ЭКГ ва рентгенологик текширувлар ўтказилди. – «Ҳарбий прокуратура – армия прокуратураси» шиори остида бошланган тадбирларимиз юртимизнинг шимолий сарҳадларида старт олди, – дейди адлия майори Г. Турсунова. – Қуролли Кучлар салоҳиятини оширишда ҳарбий хизматчи аёлларнинг ҳам жуда катта ўрни бор. Ҳукуматимиз томонидан аёлларнинг ижтимоий ҳимояси йўлида олиб

борилаётган ислохотлар доирасида аёл ҳарбий хизматчиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу қонун билан мустаҳкамланмоқда. Инсон учун энг аввало соғлиқ муҳим экан, биз Ватан ҳимоячиларининг соғлиғига бефарқ бўлолмаймиз ва ҳар қандай масалада ҳамisha ёрдамга шаймиз. Шу куни ҳарбий госпиталда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ходимлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан ҳарбий хизматчи аёлларнинг мурожаатлари ҳам тингланди. Куннинг иккинчи ярмида ҳарбий хизматчи аёллар учун «Саҳродаги Лувр» номи билан дунёга машҳур И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейига саёҳат ташкил этилди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**





## ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги бевосита ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси билан узвий боғлиқ. Шу боисдан Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида юрт ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб хизмат ва турмуш шароитларини яратиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги чегарани қўриқлаш взводи учун қуриб битказилган янги бинолар сарҳадларимиз посбонларига тантанали тарзда фойдаланишга топширилди. Худудда маъмурий бино, барча қулайликларга эга бўлган янги хизмат хонадонлари ва болажонлар учун мактабгача таълим ташкилотининг қисқа муддатли гуруҳи бинолари қад ростлади.

Маъмурий бинода ҳарбий хизматчилар учун замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган хизмат хоналари, жанговар ва маънавий-маърифий тай-ёргарлик, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларнинг ҳаёти ва ҳарбий маҳоратидан ҳикоя қилувчи хоналар, жисмонан чиниқишлари учун спортзал, кутубхона ва маданий дам олиш хоналари мавжуд.

Биноларнинг тантанали очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, ДХХ Чегара қўшинлари масъуллари, давлат ва жамоат ташкилоти ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида

бугун миллий армиямиз қудратини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар эътироф этилиб, сарҳадларимиз посбонларига замонавий, иссиқ, шинам ва барча шароитларга эга бўлган янги хизмат хонадонларининг калитлари топширилди.

Ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасини Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманидаги чегарани қўриқлаш взводида жанговар хизмат фаолиятини олиб бораётган ўғлонлар ҳам ҳис этиш бахтига муяссар бўлдилар. Бу ерда улар учун хизмат ва турмуш шароитларини бекаму кўст бўлишини таъминловчи янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эндиликда барча қулайликларга эга бўлган ҳарбий шаҳарча ҳарбий хизматчиларнинг жанговар вазифаларни ўз вақтида, тўлақонли адо этиши, касбий ва илмий салоҳиятини юксалтириши, маданий ҳордиқ чиқариши, таомланиши, саломатлигини мунтазам равишда назорат қилиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

Уч қаватли муҳташам хизмат уйи ва унинг ҳовлисидаги болалар майдончасини кўриб, беихтиёр кўзингиз қувонади. Бу ерда ҳарбий оила бекаларининг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади, шаҳарча худудида ихчам бўлиши билан бирга анчагина қулайликларга эга бўлган қандолатчилик ва тикувчилик цехлари барпо этилган.

Янги биноларни топширишга бағишланган тантаналар Тошкент вилоятининг олис худудларидан бири бўлган «Навигарзон» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги



чегарани қўриқлаш взводида ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирок этганлар взвод худудида қад ростлаган маъмурий бино, хизмат хонадонлари, тикув цехи ва мактабгача таълим ташкилотининг қисқа муддатли гуруҳи имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Барчага яхши кайфият ҳамда қувонч улашган тадбир куй-қўшиқ ва рақсларга уланиб кетди.

– Бугун энг чекка, олис худудларда жойлашган ҳарбий қисм ва бўлинмаларимизнинг инфратузилмаси, моддий-техник таъминоти йилдан йилга яхшиланиб бормоқда, – дейди подполковник Акбарали Қосимов. – Бу эса албатта, шахсий таркибга ҳам, уларнинг оила аъзоларига ҳам ўзгача руҳ ва кайфият бағишлайди. Албатта, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилади.

Дарҳақиқат, инсон қадри улуғланаётган, ҳар бир фуқаронинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб, бахтли ҳаёт кечириши учун барча қулайликлар яратилаётган жонажон юртимизда, сарҳадларимиз ҳимоячилари ҳамда уларнинг оила аъзоларига қаратилаётган юксак эътибор уларга куч-ғайрат ва матонат бағишлаб, янги-янги зафарлар сари ундайверади.

**Майор Фарида БОБОЖОНОВА**  
ДХХ Чегара қўшинлари



# ЧУНКИ МИЛЛАТНИНГ ОТАСИ БУЮК

**Б**ир отахонни кўздан бери биламан. У қуёшли кунлар келиши билан дарвозаси ёнидаги боғда қуймаланади. Дарахтлар танасини оқлайди, ерга ўғит солади, чопади. Қиш изғирини бошлангунга қадар шу бир парча ерда тиним билмайди.



Кампири вафотидан сўнг ёлғиз қолган отахон зерикмаслик учун ҳаракатда бўлади, деб ўйлар эдим. Қизлари бўлса, турмушга чиқиб, тиниб-тинчиб кетган. Ёлғиз ўғли вилоятнинг олис бир туманида масъул вазифада ишлайди. Ора-чора қизлари келиб-келиб туришади. Шундай пайтларда отахоннинг набиралари билан ўйнашини кўриб, ҳайратга тушаман.

Бир куни отахон кўринмай қолди. Эҳтимол, баҳор иссиғида толиққандир деб ўйладим. Лекин эртаси, индинига ҳам уни учратмадим. Қўшни уйда яшовчи онахон билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрадим ва гап орасида «Қария кўринмаяптими?» дедим. Онахон кулимсираганча, «Қўшнимнинг тарихини билмайсизми?» деди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим.

Шунда онахон ҳам аянчли, ҳам ибратли ҳикоя айтиб берди.

Отахоннинг тўнғич ўғли Сурхон диёрида ҳарбий хизматни ўтаган экан. Хизмати поёнига етай деб қолганда, юртимиз сарҳадларини босқинчилар бузиб ўтади ва тинчлигимизга рахна солмоқчи бўлади. Армиямиз оёққа туриб, юртни нобакорлардан ҳимоя қилади. Юрт ва тинчлик учун курашга бел боғлаб жангга кирган отахоннинг тўнғич ўғли ҳалок бўлади. Фарзанд доғини кўтара олмаган муштипар онаизор ёруғ оламдан кўз юмади. Фарзандининг қони бесамар тўкилмаганини юракдан ҳис қилган отахон ўғлини тупроққа қўйган куни шу дарвоза ёнидаги ерда боғ яратишни бошлайди ва ҳар йили турли мевали кўчатлар ўтқзади. Ниҳоллар меъерига етгач,

уларни олиб, Сурхон томонга жўнаб кетар экан. Нима учун айнан Сурхон диёрига? Кўчатлар шу ерда ҳам пул-ку, деган савол миямдан ўтди. Онахон буни сезгандек ҳикоясида давом этди.

Отахоннинг ўғли анорни яхши кўриб еган экан. Отахоннинг кўчатлари ичида энг кўпи ҳам анор кўчати эмиш. Тоғли ҳудудлар ҳавоси беқарор. Ҳозиргина гуркираб турган дарахт табиат ҳодисаси тўфайли бир зумда нобуд бўлиши мумкин. Фақатгина анор кўчати табиат инжиқликларига қарамай ўсиши мумкин. Шу сабабли ҳам отахон ҳар йили кўчатларни ўғли хизмат қилган тоғли ҳудудга олиб бораверади. Ўғлининг изи қолган ерлар боғларга бурканишини чин дилдан хоҳлайди. Ҳар борганида кўчатлари мевага кирганини кўриб суюнади, уни болажони узиб еяётганини хаёлан тасаввур қилади. Отахонни қишлоқ аҳли ҳам яхши танир экан. Ҳар келганида иззат-ҳурмат билан қарши олиб, кузатиб қўйиш анъананага айланиб қолибди.

Сафардан қайтган отахон ҳар гал битта гапни такрорларкан: «Ўғлимнинг юришларини, кулишларини, гап-сўзларини эшитган инсонлар билан кўришиб келдим. Оёқ излари қолган тупроққа ўз қўлларим билан кўчатлар экдим. Улар мевага кирганда ўғлимни даволаган, сўнги нафасида сув тутган инсонлар меваларни еб, ўғлим ҳаққига дуо қилсин».

Бу ҳикоядан ҳайратга тушдим. Ота меҳри, кучи, қудрати, иймонининг бутлиги қалбимни ларзага солди. Миллатнинг шундай оталари бор экан, юрт тинч, сарҳадларимиз ҳамиша ишончли посбонлар қўлида бўлиши тайин.

## ✓ FAXR

Тумандаги Гавҳархон Саидходжаева раҳбарлик қилаётган 60-мактабгача таълим ташкилотида бўлганимда тарбиячи ва кичкинтойлар ўртасидаги мулоқот асосида ўтилаётган машғулот устидан чиқдим. Икки қаторда саф торган болажонлар бир-бирлари билан савол-жавоб қиляптилар.


– Мен катта бўлсам, ҳарбий бўламан, бу менинг йигитлик бурчим, – деди бир болажон қизларга қараб.  
– Сен катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? – дея савол берди. Нариги сафда турган қизчалардан бири унга юзланиб деди:  
– Мен ҳам ҳарбий бўламан. Бу менинг қизлик бурчим. Болажонлар унинг сўзларидан кулиб юборишди. Қизалоқ ҳам бўш келмади.  
– Нима, фақат ўғил болалар ҳарбий бўладими? Фақат улар Ватанга хизмат қиладими? Кўрасизлар, ҳали катта бўлсам, сендан ҳам яхши ҳарбий бўламан!

Шу ерда тарбиячи икки томонга юзланиб, Ватанга садоқат туйғуси, миллат келажагига дахлдорлик, юртни қўриқлаш ҳақида сўз бошлади. Ҳарбий мажбурият ва хизмат ҳақида болажонларга содда тилда тушунтириш берди ва кичкинтойларга суҳбатни давом эттириш мумкинлигини айтди. Бир болажон ўртоғига қараб:

– Нега ҳарбий бўлмоқчисан? – деди.  
– Чунки ҳарбийларнинг формаси чиройли.  
– Ҳарбийлар бизни қўриқлайди.  
– Ҳарбийлар бор – мен, бувим, бобом, онам ва дадам тинч ухлаймиз.

# «МЕН ҲАРБИЙ БЎЛАМАН!»

Қуйинги, болажонлар ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб, фикрларини билдиравердилар. Мен уларни ҳайрат ва ҳавас билан кузатар эканман, бу мурғак вужудларда Ватан, тинчлик ҳисси нақадар катта эканлигини юракдан ҳис қилдим. Ҳарбий акаларига бағишлаб айтаётган шеърларида, қўшиқларида бу соҳа эгаларига ҳурмат, ишонч борлигини сездим.



– Ҳарбийлар кучли ва бақувват, улар жуда ҳам яхши одамлар.

Бу болажонлар улғайиб, ҳақиқий Ватан посбонлари бўлиб етишиши, юрт тупроғини азизу муқаррам қилишини ич-ичимдан ҳис этдим. Зеро, улар буюк саркарда Амир Темур авлодларидир.



Лев Толстой асарларини ўқимаган бўлсангиз ҳам, улар асосида ишланган бадий фильмларни мароқ билан кўрган бўлишингиз керак. Буюк адибнинг ўқувчилари етти ёшдан етмиш ёшгача деб айта оламиз. Чунки унинг бебаҳо ижодида болаларга мўлжалланган сара асарлар ҳам талайгина.



XIX аср ҳақли равишда рус адабиётининг олтин асри дея эътироф этилади. Эътиборли томони шундаки, олтин аср классиклари асарларининг деярли барчаси ўзбек адабий тилига чевирилган. Мустақилликка қадар рус тили ва адабиёти ўзбек тили ва адабиёти билан тенг тарзда мактаб дастурларига киритилган эди. Бундан ташқари, ўзбек тилидаги дарсликларга ҳам рус классикларининг асарлари киритилган.

Биз Лев Николаевич Толстойдан тавсия қилмоқчимиз. Тўғрироғи, унинг биттагина ҳикояси ҳақида гаплашамиз.

Бугунги тезкор замонда ўқувчиларни ҳайратлантириш қийин. Зеро, мақсадимиз ҳам бу эмас. Мақсадимиз – Инсон, Инсонни англаш! Лев Толстойнинг «Иван Ильичнинг ўлими» деган қиссаси бор. Мен бу қиссага узоқ вақт эътибор бермадим. Адибнинг буюклигини, дунё ундан ҳайратланишдан бир зум ҳам тўхтаганини билсам-да, ўқишни пайсалга солавердим. Ниҳоят ўқидим ва... уни сиз ҳам, албатта ўқиб чиқишингизни, бир зум бўлса ҳам китобни бағрингизга босиб, ўйга толишингизни истадим.

Қиссанинг номи ҳам ўзига тортадиган эмас – «Иван Ильичнинг ўли-

рафикаси ҳақида турли миш-мишлар урчиб кетган. Графиня Софья Андреевнанинг ўта рашкчи, молпарастлиги ҳақида уялмай ёзганлар ҳам бор. Биласизми, бу нарсаларга ишонгим келмайди. Адибнинг ҳар бир қўлёзмасини оққа кўчирган аёл, у билан узоқ йиллар ҳамнафас бўлган аёл бу каби миш-мишларга муносиб эмас. Ёзувчининг қўлёзмаларини унинг хонимидан бошқа бирор киши ўқий олмаган!

Ёзганларида ўзининг ҳаётий драмалари ҳам акс этган, дейишади бил-



## «Уни ҳам эркалатсалар, ўпсалар...»

ми». Иван Ильич деган бири, унинг сирли бўлмаган ўлими, севги йўқ, интригалар ҳам қизиқарли эмас, жуда оддий, жуда оддий ҳаёт ҳақиқатлари акс этган.

**Ўқиймиз:** «Қора ҳошия ичида бундай гаплар ёзилган эди: «Прасковья Фёдоровна чуқур қайғу билан азиз умр йўлдоши, Суд палатаси аъзоси Иван Ильич Головиннинг яқинлари ва қариндошларига унинг 1882 йил 4 февраль куни вафот этганини маълум қилади. Дафн маросими жума куни соат 1 га тайинланди».

Иван Ильич жам бўлиб турган жанобларнинг биродари эди ва ҳамма уни яхши кўрар эди. Унинг бир неча ҳафта аввал мазаси қочиб қолди; хабарлашганлар унинг дарди бедаво эканини билиб келдилар.

...Шаҳар манзилларининг узоқлиги ҳақида ҳангомалашиб, мажлисга кириб кетишди. Бу совуқ хабар, қутилганидек, мансаб курсисидеги ўзгаришлар ҳақидаги мубҳам хаёллардан ташқари мулоҳаза юритган ҳар бир кимсада, доим бўладигандек, ўлим барҳақ, хайрият, у ўлибди, мен эмас, деганга ўхшаш чучмал мамнунлик кайфиятини ҳам ҳосил қилди».

Бошқа дунё, бошқа одамлар, эътиқодлари бошқа, ўлимни шундай қаршилашган бўлса, бу уларгагина хос, мен улардек эмасман, дея оласизми?! Инсон ҳамма замонларда ҳам тили, дини, ирқидан қатъи назар бир-бирларига ўхшашдирлар.

Қиссани ўқиш асосида бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Улуғ адиб ҳеч қачон ҳаётий хулосаларида янглишмаган. Сиз хаста инсонни парваришлаганмисиз? Бу ишни ким учун қилгансиз? Хасталар жуда инжиқ бўладилар. Шундай эмасми? Сабаби нима бўлса экан?... Аммо уларни айблаб бўлмайди.

**Ўқиймиз:** «Иван Ильич яшаб ўтган ҳаётининг тарихи ҳам жуда оддий, ҳам одатдагидек, ҳам ўта даҳшатли эди».

Шу битта гапни яна диққат билан ўқиб кўринг, а?! Оддий, одатдагидек, ўта даҳшатли... Бир инсоннинг ҳаёт тарихи шундай!

Азиз ўқувчи, сиз Лев Толстой ҳаётининг баъзи даврлари ҳақида матбуот ва интернет нашрларда ўқиган бўлсангиз керак. Графнинг

гичлар. Эҳтимол. Бироқ донишманд адиб ёлғон ёзмаган-да!

**Ўқиймиз:** «Иван Ильич икки мулоҳазага кўра уйланди: шундай аёлни танлагани ўзига ёқди, боз устига юқори мансабда турган арконлар ҳам бу қарорни маъқуллашди.

Шундай қилиб, Иван Ильич уйланди. Уйланиш жараёнининг ўзи – тўй, оилавий ҳаётнинг дастлабки палласи – келин-куёвларга хос ширингуфторликлар, янги мебеллар, янги идиш-товоқлар, то аёлининг ҳомиладор бўлгунича жуда яхши кечди, ҳатто Иван Ильич амин бўла бошладик, уйланиш ҳаётининг бор буд-шудди деб қараган, жамият томонидан маъқулланган ва қабул қилинган енгил, ёқимли, шодон турмуш тарзини бузиб юбормай, аксинча, уни теранлаштирар экан. Аммо хотини ҳомиладорлигининг дастлабки ойларида бирданига ўзгача, қутилмаган, ёқимсиз, оғир ва андазаларга сиғмайдиган воқеалар содир бўлдики, уларни сира истамагани ҳолда қутулиб ҳам бўлмади.

Иван Ильичга туюлганидек, аёл ўринсиз инжиқликлар билан, бу унинг ўзининг ибораси эди, турмушнинг ёқимли ва сокин муҳитини буза бошлади: ундан ўзига айрича эътибор қаратишини талаб этади, ҳамма нарсадан шубҳаланади, бу билан эркакни ёқимсиз ва ғазабнок ҳолатларга солади».

Аввалига ҳаммаси яхшийди... Ҳаммамизнинг ҳаёт ҳикоямиз, қиссамиз шундай бошланади. Эр-хотин муносабатлари бир қарашда оддий туюлса ҳам аслида бениҳоя мураккабдир. Ёки ўзимиз мураккаблаштирамизмикан? Албатта, ўзимиз.

Мазкур қиссанинг қиммати шундаки, ўзингиз ҳақингизда ўйлатади. Иван Ильич аллақайси жиҳатлари билан Стефан Цвейг қаҳрамонларидан қария Соломонсонни ҳам ёдга солади. Ёлғизлик, оддийгина меҳрга ташналик...

**Ўқиймиз:** «Эрининг қабиҳ феъл-атворга эгалигини тушуниб, ўзига раҳми келиб кетди. Ўзига раҳми келган сайин эрига нисбатан нафрати ортиб бораверди. Ҳатто унинг ўлимини тилашгача бориб етди, бироқ бунга хоҳламади, негаки, унақада тирикчилик манбаидан ажралиб қоларди».

Юқорида келтирганимиз Иван Ильич ҳаёт тарихининг ўта даҳшати ҳам шунда бўлса керак. Бир-бирига тоқат қила олмайдиган икки инсоннинг муносабатлари замиридаги манфаат илнжи. Ва улардан бири хасталанди. Жони жаҳонини бериб севган иши ҳам унга ҳузур бермай қолди, бедаво касаллик туфайли. Бу касалликни енгил қийин эди.

Қуйидаги парчани диққат билан ўқишингизни истар эдим. Ҳамма ҳам туйғуларини ошкор қила олмайди, баъзан истасанг-да, эпллолмайсан. Аммо жим қолмаслик керак экан. Инсонда кўриш учун кўзлардан ташқари қалб ҳам берилгани бежиз эмас.

**Ўқиймиз:** «Ёлғон ва унинг асоратларидан ташқари Иван Ильични яна бир нарса қийнади: уни қадрлашмаётгани, у хоҳлагандек қадрлашмаётгани; муттасил оғриқлардан кейин баъзи дақиқаларда узоқ ўйларди: уят бўлсаям кимдир уни худди касал боладек ардоқласа, у хоҳлардики, унга худди ёш болаларни эркалатгандек, овунтиргандек муносабатда бўлсалар, уни ҳам эркалатсалар, ўпсалар, бошида кўз ёш тўкиб ўтирсалар. У билардики, ўзи оиланинг эътиборли аъзоси, оқарган соқоли бунга изн бермайди; аммо барибир шундай бўлишини истарди».

Мана шу кичиккина парча ҳам китоблар нима учун ўқилиши кераклигини англатади. Бақир-чақир тушунмовчиликдан келиб чиқади. Ақлли инсонлар суҳбатлашадилар, мураса йўлини топадилар, бир-бирларини англашга интиладилар, ечимсиз ғазабга йўл бермайдилар. Бу борада китоб сизга энг яқин кўмакчидир. Бу гапларни сийқаси чиққан фикр ўрнида қаршиламанг. Бадий асарлар фикрлашга ўргатади, туйғуларни гўзал баён этишга ёрдам беради, ўзингизни англата оласиз, ўзгаларни англайсиз.

Замонлар кечаверади, адабиёт мангуликка қолади, СЎЗ қолади. Граф Лев Николаевич Толстойни келгуси авлодлар ҳам ўқийдилар, бунга шубҳа йўқ.

Ҳузурли мутолаалар тилаги билан

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**  
 «Vatanparvar»



# КЎМОНДОН

## МАҲОРАТ ДАРСИ ЎТДИ

Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган ҳарбий қисмда «Кўмондон ва ёшлар учрашуви» бўлиб ўтди.



«Ёшлар ойлиги» доирасида ўтказилган тадбирда 200 дан ошди маҳаллий ёшлар ҳарбий қисм меҳмони бўлди. Ҳарбийлар томонидан намоиш этилган қўл жанги усуллари, ҳарбий техника ва жанговар қуроллар намоиши ҳамда Фахрий қоровул ва ҳарбий оркестр жамоасининг кўргазмалари чиқишлари барчага бирдек манзур бўлди.

Йигирмадан ошди спорт, маданият ва санъат йўналишида ташкил этилган ўқув нўқталарида ёшлар ўзларининг



қобилиятларини намоиш этдилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, қўшинлар кўмондони полковник Журъат Якубов бошчилигида ёшлар учун музика, тасвирий санъат ва спорт йўналишларида маҳорат дарслари ўтказилди.

Ҳарбий қисмнинг маданият марказида бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар ва ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, жаҳон ва Осиё чемпиони бўлган

спортчилар ҳам сўзга чиқиб, ғалабага эришиш учун босиб ўтган машаққатли йўллари ҳақида сўзлаб беришди.

Тадбир давомида ҳарбий оркестр жамоаси томонидан ижро этилган миллий куй-қўшиқлар ҳамда буюк мутафаккирларнинг жасорати ва садоқатини акс эттирган сахна кўринишлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Яқунда тадбирнинг фаол ёшларига эсдалик совғалар топширилди.

**Капитан Аҳроп САФРАЛИЕВ**

### ✓ ХОТИРА

## ДАДАМ ИЗИДАН

Тарихдан то ҳозирги кунга қадар юртнинг бир қарич ери, унинг осойишталигию муҳофазаси ҳар бир инсон учун ғоят аҳамиятли бўлган. У хоҳ оддий фуқаро, хоҳ давлатнинг мулозими бўлсин, киндик қони тўкилган тупроқнинг азизлигини қалбан ҳис этади, авайлайди.



Бобур каби сиймоларнинг номларини зикр этмай иложи йўқ.

Ўзбекистоннинг тинчлиги, фаровон ҳаёти шунчаки бунёд этилмагани, қанчадан-қанча қонли тўқнашувлар, совуқ уруш остонасида жон берган мардларнинг номи юқоридаги шахсларнинг номлари билан бошланади. Уруш даврида жуда кўп ҳамюртларимиз, ҳарбийларимиз жонбозлик кўрсатиб, мардлик ва матонат мақомини мустаҳкамлаб кетганлар.

Миллий армиямизнинг бугунги барқарор қиёфаси учун жон куйдирган, ўз хизмат вазифасини сидқидилдан адо этган, керак бўлса, осойишталик эвазига ўз жонини баҳшида қилган шахсларнинг номи ҳам қалбларда абадий яшайди.

Ҳар гал хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган йигитлар хотирасини ёдга олиш асносида ўз падари бузрукворимнинг умр йўли ва ҳарбий фаолиятига оид хотиралар чуқур мушоҳадага ундайди. Бундан 24 йил аввал, ҳали болалигимнинг шоду хуррамлик даврида отамнинг елкасида гўдакларча қувониб, болаларча тўйиб-тўйиб ййнашга улгурмаган пайтларим оиламиз суюнчиғидан айрилганмиз. Мамлакат дахлсизлигини бош мақсади деб билган отам Комилжон Акрамов Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмда хизмат қилган. Ҳаёт кезларида отамнинг соҳага бўлган муҳаббати,

Ватан мудофааси ва жамият тинчлигини авайлаш масъулияти, ҳаммадан кўра, биз, ҳарбийларнинг онгу шуурида, қалбида, вужудию жисмоний қувватида мустаҳкам ўрин олган. Бу масъулият ҳисси аждодларимизнинг машаққатли умри, қийинчилик тортган жисму жони билан қон-қонимизга сингиб улгурган. Ўзбек миллати азал-азалдан ўзининг эрк фарзандлари, жасур ва мард ўғлонлари билан донг таратгани маълум. Ўз даврининг буюк ватанпарварлари, она юрт тупроғини азиз билган саркардалари ҳақида сўз кетганда, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Маҳмуд Таробий, Захириддин Муҳаммад



Ватаннинг тинчлиги учун жавобгарлик ҳисси жуда юқори бўлганлигини уни яқиндан таниган инсонлар кўп тилга олишади. Бор йўғи 36 баҳорни қаршилаган падари бузрукворим 1998 йил 9 февралда хизмат бурчини бажариш чоғида вафот этган. Уй тўрида осиглиқ офицерлик формаси мен учун чинакам ватанпарварлик тимсоли бўлиб қолди. Ҳарбий либосга қадалган майор унвони эса, ҳар фурсат ҳарбий бўлишга, Ватанга хизмат қилишга, отамнинг садоқатини изчил давом эттириш истакларимни кучайтиришга, юртимга бўлган садоқат ҳиссимни ошириб келди.

Отамни йўқотган пайтим б ёшли болакай эдим. Ўша пайтда акам ҳам, мен ва синглим ҳам оғир мусибатни бошидан кечирган онамга суюнчиқ бўла олмасдик. Улғайганимиз сари онамнинг кўзларидаги мунгни англаб ета бошладим. Ҳар биримиз имкон қадар отамнинг ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилардик. Муштипар онамнинг чеҳрасида яна табассум, ҳаётга ишонч пайдо бўлиши учун нимадир қилишим керак эди. Улғайиб, Ватан ҳимоячиси бўлишга, ҳарбий либос кийиш орқали онамнинг кўз ўнгида отамнинг тимсолини гавдалантиришга қарор

қилдим. Шунинг учун мактабда ўқиб юрган вақтимданоқ мунтазам спорт билан шуғулланиб, физика, математика фанларини аъло баҳога ўзлаштиришга, инглиз тилини ўрганишга аҳд қилдим. Чунки техникага қизиқишим сабабли ҳарбий самолётлар бортмеханиги бўлиш орзум эди.

Ҳарбийликка бўлган ҳавас 2014 йилда амалда қатъий мақсадга айланиб, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмда ўз хизмат фаолиятимни бошладим. Хизматим давомида буюк аждодларимиз, саркарда ва кўмондонларнинг ҳарбий қарашлари, командирларнинг сабоқлари, хизматга бўлган муҳаббат руҳи ўз устимда муттасил ишлашимга ундади. Ватаним, Президентим ва халқимга билдирган қасамёдим ҳаққи, ҳамиша садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишни ўзимнинг бурчим деб билдим.

Эгнимга ҳарбийлик либосини кияр эканман, болалик орзум Ватан ҳимоячиси бўлишимнинг бир бўлаги бўлганлигини ҳис қиламан. Ота касбини давом эттириш орқали бир пайтлар оиламизни тарк этган қувонч, шоду хуррамликни олиб кира олдим. Эндиликда онамнинг наздида отамга муносиб издошман. Юртимиз ҳаво сарҳадларини қўриқлашдек шарафли касбга эришишим, ҳаётимдаги энг катта ютуғимдир.

Ватаним олдидаги камтарона хизматларим муносиб баҳоланиб, «Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига 30 йил» кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу рағбат менга янги масъулият, ишонч ва жавобгарлик ҳиссини юклади. Бинобарин, хизматни намунали бажариб, профессионал армия сафида бор куч-ғайратим билан ўзимга бириктирилган вазифаларни сидқидилдан бажариш йўлида шижоатимни янада оширди. Уйимиз тўрида осиглиқ турган отамнинг офицерлик ҳарбий либоси бу ғайрат ва шижоатимнинг илҳомчиси эканлигидан ҳамиша ғурурланиб яшайман.

**Кичик сержант  
 Элёрбек АКРАМОВ**





## АБУ НАСР ФАРОБИЙ

# ТАСАВВУРИДАГИ ҲУКМДОР ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

**В**атан! Бу сўз қулоққа чалинган заҳоти кимнингдир кўз ўнгига сўлим табиат жонланса, бошқа биров ўз ҳовлисини ёки давлат рамзларини тасаввур қилади. Яна кимдир чексиз сарҳадларни ҳаёлига келтиради. Балким, биз Ватан деганда, ана шу сарҳадлар ҳимояси учун жонидан кечишга тайёр инсонларни ўйлашимиз керакдир. Орамизда ватанпарварлар сони кўпайиб борар экан, ҳаётимиз ҳамisha дахлсиз бўлади. Шу аснода бугун ҳар бир инсон онгида она Ватанни севиш, асраб-ардоқлаш, уни борича қабул қилиш туйғусини ошириб бориш муҳимдир.

Ҳар бир мамлакат осойишталиги ва фаровонлиги ортида жуда катта жасорат бор. Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, юрт ва инсоният ривожига хизмат қиладиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунда, авваломбор, давлат раҳбари адолатли, доно ва халқ манфаатларини устун қўя оладиган бўлиши лозим. Ана шундагина давлат ва жамиятнинг пировард мақсади бир бўлиб, идеал жамиятга, бахт-саодатга эришилади.

Маълумки, Шарқда одил подшо, бахт-саодатли мамлакат ҳақидаги орзулар қадим-қадимдан мавжуд. Табиийки, бу ҳақда алломаларимиз турли рисолалар, қўлланмалар, панд-насиҳатлар ва маслаҳатларга бой китоблар ёзиб қолдирган. Шарқу Фарб оламига «Ал-муаллим ас-соний», «Шарқ Арастуси» деган номлар билан машҳур аллома Абу Наср Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Фаробий давлат бошқаруви ва халқ раиси (подшоҳ) борасидаги қарашларини «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» рисоласида мукамал баён этган. Бу асарни ҳар жиҳатдан етук шаҳар кишиларининг фикрлари, деб изоҳлаш ўринлидир.

Фаробийнинг ушбу асари инсониятнинг идеал жамият ҳақидаги ўйларини, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар тўғрисидаги қарашларидан таркиб топган асардир. Халқ раиси ва раҳбарларнинг ўз фаолиятида давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат тамойилларига амал қилиши, Ватан, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиши юксак маънавият меъзонларига мос тарзда баён қилинган. Ушбу асаргинакам салтанат соҳиб бўлишни истаган, мамлакат ва миллат равнақи йўлида машаққат чекмоқни ўзига шараф деб билган давлат арбоблари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилгани, шубҳасиз. Бизнинг фикримизча, Ватаннинг шонли тарихида салкам беш юз йил давомида юрт бошқарган Темурийлар сулоласи асосчиси соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат бошқаруви ва халқ манфаати йўлида ушбу рисоладаги ғояларга таянган, амал қилган.

Ўзининг кўп қиррали ижоди билан инсон билимлари ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» рисо-

ласида давлатни бошқарувчи шахснинг ўн икки фазилатини санаб ўтади. Унинг фикрига кўра, фозил раис (подшоҳ) авваломбор:

- **биринчидан**, тўрт мучаси соғ бўлсин, ҳар ишнингки илгини тутса, малолсиз адо эта олсин;
- **иккинчидан**, табиатан нозик, фаросатли, зийрак эканлиги туфайли суҳбатдош (раият)нинг сўзу фикрларини тез илғаб оладиган бўлсин;
- **учинчидан**, кўрган-эшитган нарсаларини ҳамisha хотира кўзгусида сақлай олсин;
- **тўртинчидан**, идроки пок, зехни ўткир, зукко бўлсин;
- **бешинчидан**, ўз фикрини ўзгага равшан тушуштира олсин, лафзи тиниқ ва равон бўлсин;
- **олтинчидан**, билиму маърифатга меҳр қўйсин, толиқиш нима билмасин, ўрганиш заҳматларидан зинҳор қочмасин;
- **еттинчидан**, таом, май, аёллар бобида сабр-қаноатли бўлсин, қимордан қочсин, унинг роҳат-фароғатидан иргансин;
- **саккизинчидан**, ҳақиқатни ардоқласин, унинг тарафдорларини олқишласин, ёлғоннинг бетига қарамасин;
- **тўққизинчидан**, қалби мағрур бўлсин, ўз обрўсининг қадрига етсин, ному-ориятли эканлигини унутмасин, билсинким, унинг қалби табиатан разил ишлардан юксакда туради, илло, олижаноб ишлар учун яратилгандир;
- **ўнинчидан**, дирҳам, динор сингари турмушнинг турфа афзалликларидан нафратлансин, мол-дунё кетидан қувмасин;
- **ўн биринчидан**, адолатни севсин, нафрат ўқини золимларга қаратсин, ўз одамларига ҳам, ўзгаларга ҳам бир хилда боқсин, барчани одилликка чақирсин, ноҳақлик туфайли етган зиённи собитқадамлик билан ундириб берсин, одил бўлсин, вале, қайсар бўлмасин, ҳақ олдида ўзбошимчалик, ўжарликка эрк бермасин, аммо ҳар турли бедодлик ва қабихлик қошида иродасининг шижоатли кучини аён қилсин;
- **ўн иккинчидан**, бирон-бир юмушга илик сунса (яъни бирон ишни бошла-са), ўша ишни қилмакни зарур топган бўлса, бас, журъатли, қатъиятли бўлсин, минбаъд кўрқиб-писиб қолмасин, жасурлигин аён этсин, шиддат кўргизсин...

«Муаллим ус-соний» фозил инсон деганда, юқорида санаб ўтилган хислатларни ўзида мужассам этган баркамол инсонни назарда тутган. Соҳибқирон Амир Темур сиймосида ҳам, унинг ҳаёт йўли пиллапояларида ҳам Фаробий таъкидлаган баркамолликни кузатамиз. Рисолада ёзилишича, давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Тарихга назар солсак, Амир Темур саройида ҳам кўплаб илм-маърифат алломалари соҳибқироннинг марҳаматидан баҳра олиб, унинг хизматида бўлган. Соҳибқироннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа соҳалари равнақида катта эътибор бериб, соҳибқиронлар билан қилган суҳбатлари ҳақида француз олими Лянгле шундай ёзади: «Темур олимларга илтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди».

Улуғ амир ҳар ишда инсоний, ахлоқий фазилатларни, кучли иймонни биринчи ўринга қўйган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Марказий Осиёнинг мустақил бир давлат остига бирлаштирилиши, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига эришилиши, илм-фан, адабиёт ҳамда санъат, ҳунармандчилик ва меъморчиликнинг равнақ топиши Фаробий орзу қилган фазилатли кишилар шаҳри тўғрисидаги қарашлари билан уйғунлашиб кетади. Зеро, фозил кишилар кўпайган шаҳарларда осойишталик, фаровонлик ҳам бўлади, деб кўрсатади Фаробий.

Амир Темур давлатчилигимиз тарихида давлат тузиш, уни юксалтириш йўлида салмоқли ишларни амалга оширган. Дастлаб у ўз давлатида қатъий қонун-қоидаларни жорий қилиб, уларни бир китоб ҳолига келтиради. Бу «Тузуклар» номи остидаги қомусдир. «Темур тузуклари» даврнинг барча ижтимоий жиҳатларини ўзида тўлақонли ифодалаш, халқпарварлиги, салтанат бошқарувининг ҳар жиҳатдан адолатли тарзда йўлга қўйилиши боис бутун дунёга тимсол бўлган. Амир Темур қонунлари, аввало, салтанат ҳудудидаги барча фуқароларнинг тинчлигини, мамлакат хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлади. Фикримизнинг исботи сифатида айтишимиз мумкинки, соҳибқирон давлатида кимки бир хум тўла олтин билан юрса, унинг бир тилла тангасига ҳам хиёнат қилинмаган. Яъни унинг давлатида ҳар бир инсон хавфсизлиги таъминланган.

Амир Темур ўз мамлакатини сиёсий ижтимоий бошқарув соҳаси бўйича алоҳида тадбирлар режасини амалга оширади. Давлат бошқарув тизимида ўзига хос бўлган янги тизимларни йўлга қўяди. Соҳибқирон давлатининг Марказий ижро маъмурияти бош вазир

– девонбеги бошлиқ етти вазирликдан иборат арқони давлат – Вазирлар Маҳкамаси томонидан бошқарилган. Улкан инсоний фазилатларга эга бўлган, кўп йиллик ҳаётий тажрибаси билан эл орасида обрў қозонган оқсоқоллардан ҳокимлар тайинланган. Агар ҳокимлар тажрибасиз бўлсалар, муаллимнинг фикрича, у ҳолда уларнинг ишлари ҳам, фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутарди. У мисол тариқасида юнон ҳокимлари ҳақида гапиради. Агар улар илм эгаси бўлмаганларида уларга омонат қилиб берилган халқ ва ҳокимият тақдирини ҳалокатга юз тутган бўларди.

Соҳибқирон давлат бошқаруви ишларида ислом қонун-қоидаларига асосланган. Унинг Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга муносабати самимий ва олий даражада бўлган. Пайғамбар авлодлари, шайхул-машоийхларга ҳурмати чексиз эди. Давлатни кучайтиришда ҳам айнан шундай кишиларга таяниб иш юритган. Амир Темур ўз сиёсатида вилоят ва шаҳарларга ҳокимларни тайинлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратган. Бу борада файласуф олим Фаробийнинг фикри қуйидагича, «ҳокимлар, асил олижаноб оқсоқоллар сингари улуғвор ёшда ва ҳаётий тажрибага эга бўлишлари керак. Бўйсунганлар эса гўдаклар, ёшлар ва жоҳил одамлардан ташқари, қолган ҳамма кишилардир. Ишда бунга қанчалик риоя қилинса, шунчалик тўғри бўлади. Агар ҳокимлар тарбиясиз бўлсалар, у ҳолда уларнинг ишлари ҳам, фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутарди».

Дарҳақиқат, ҳар бир шаҳар ва туманларнинг ривожланиши, юксалиши уларнинг ҳокимларига боғлиқ. Ҳокимият тизимидаги ҳар бир раҳбар шахс бутун ҳаёт завқини машаққатга алмаштирган, ўз ҳаёти ва жонини мамлакат ҳамда халқ фаровонлиги йўлида қурбон қилишга тайёр, чинакам ватанпарвар инсон бўлади. Муаллим раҳбарнинг адолатчилик тамойили асосида бошқаруви деганда, жамиятнинг барча бўғинларини бирдек назарда тутарди. Туркийлар қадимдан табиатнинг нозик хилқати бўлган аёлларни эъзозлаб келган. Соҳибқирон даврида ҳам бу масалага бўлган эътиборни қуйидаги ҳикоят мисолида кўришимиз мумкин.

Маълумки, Амир Темур ҳукмронлик қилган йилларда Мовароуннаҳрга чет эллардан кўплаб сайёҳ, элчилар ташриф буюрган. Кунларнинг бирида ўзга юртлиқ меҳмонлардан бири кўчадан ўтиб кетаётди, ҳар бир дарвоза тагидаги бўш идишларни кўриб, ҳайрон бўлибди ва: «Булар нима учун?» деб сўрабди. Шунда бир эркак қуйидаги жавобни берган экан: «Бизнинг жамиятимизда аёлларнинг оғир юк кўтариб юриши эркаклар учун уятли ҳолдир. Кўчадан ўтиб кетаётган ҳар бир эркак ушбу идишларни сув билан тўлдириб қўйишни ўзининг бурчи деб билади. Зеро, аёлни эъзозлаган, миллат онасини ардоқлаган жамият асло завол билмайди».

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кузатганимиз каби «Темур тузуклари»даги жуда кўп нуқталар Фаробий орзу қилган фазилатлар билан уйғунлашиб кетади.

Донолар айтганларидек, раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан жой топа оладими? Эса қоладиган бирор хайрли иш қила оладими? Бу каби саволга жавобни Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридан топиш мумкин. Аллома асарида унинг ижтимоий-фалсафий ғояларида ўша даврнинг туб зиддиятлари, раҳбар ва у бошқараётган давлатнинг камчиликлари, ижобий ҳамда салбий томонлари акс этган. Шунинг учун ҳам бу асар ҳозирги кунга қадар давлат раҳбарлари учун мукамал манба бўлиб қолади.

**Н. ҚОДИРОВА,  
 Д. АБДУРАҲМОНОВ,  
 ДХХ «Темурбеклар мактаби»  
 ўқувчилари**



# ҲУКМДОРЛАРНИНГ

## «УРУШ МАКТАБИ»



Ёзма манбалардан маълумки, тарихда барча ҳукмдорлар ҳаётида ов маросимлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки ов (шикор) ҳарбий машқлар вазифасини ҳам бажарган.

### ЧИНГИЗХОН ТАЪРИФИ

Бу тадбир азалдан кўчманчи халқлар ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этган бўлиб, Чингизхон «уруш мактаби» деб атаган ҳайвон ови уруш учун яхши тайёргарлик мактаби вазифасини ўтаган. Овчилар (ҳарбийлар) ов пайтида саф тортиб туриши, овни қандай қуршаб, ҳалқа ичига олиши қоидалар асосида белгилаб қўйилган эди. Қўмондон ва аскарлар бўш вақтларини ов билан ўтказишлари ташвиқ қилинар эди. Бундан кўзланган мақсад эса фақат ов эмас, балки аскарларни жанговар ҳолатда ушлаб туриш, уларнинг ўқ отиш маҳоратини ошириш ва қийинчиликларга чиниқтиришдан иборат эди.

### ҚУШЧЕНИНГ ВАЗИФАСИ

Ов қилинадиган жойнинг ўзига хос хусусиятларига мос қуролларни аниқлаб, таъминлаш, ўнг ва чап

қанотлар билан ўрта жой (қалб)ни тартибга солиш қушчи лавозимидаги мансабдорнинг вазифаси ҳисобланган. Бир, икки ёки уч ой муддат давом этиши эътиборга олинган ҳолда овнинг доираси ва ҳалқаси ташкил қилинар эди.

Ов ҳайвонлари ўраб олинган доирадан марказга томон суриб келинар, биронта ҳам ҳайвоннинг ҳалқадан ташқарига чиқиб кетишига йўл қўйилмас эди. Ҳалқа ичида дастлаб ҳукмдор ов қилган, кейин эса бир тепаликка чиқиб, шахзодалар, амирлар ҳамда қўшиннинг ов қилиш жараёнини кузатиб борган. Ташкил этилган бундай махсус ов ҳалқалари «чарга» деб юритилган. Бобур «Чарга орасига кўп қулун ва кийик кирди. Роса кўп қулун ва кийик ўлдирдилар», деб ёзади «Бобурнома»да.

### ОВ МАЙДОНИ

Ҳукмдорлар аксарият ҳолларда қиш ва эрта баҳорда ов қилишга қулай ҳудудларга чиқиб

шикор уюштирган. Уларнинг ов манзили кўпинча Қарши вилоятида бўлган. Амир Темур, Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллахон ва Абдуллахонлар ҳам ўзларининг Хуросон томонга юришлари олди-дан аксарият ҳолларда Касби ёки Қарши ҳудудларини қўшхона, «қишламиший» – яъни қишлаш манзили қилиб, овлар ташкил этишган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам бу ернинг ов қилиш учун жуда қулайлигини таъкидлаб, қилқуйруқ деб аталган қушларнинг сон-саноксиз бўлиши ва йилнинг тўрт фаслида ҳам доимий шикорлар ташкил қилиш самара келтиришини айтади. Қуш ови камончилар ҳарбий маҳоратини оширишга хизмат қилиб, уларда мўлжалнинг муайян нуқтасини нишонга олиш кўникмасини шакллантирган.

### «ЯСО»ГА КЎРА, ТАҚИҚЛАНГАН

Баҳор, ёз ва эрта кузда ов билан шуғулланиш кўп ҳолларда тақиқланган, чунки бу пайтда овсиз ҳам табиатдан озиқ-овқат топиб, таъминотни амалга ошириш мумкин. Ҳарбий қўшин билан сафарда бўлган ҳукмдорлар доим ҳам ўз лашкарини озиқ-овқат билан таъминлай олмаган. Бундай вазиятда қўшин даштдаги жониворлар гўшти, паррандалар

тухуми ва ўт-ўланлар билан озиқланишга мажбур бўлган. Шунинг учун Чингизхоннинг «Ясо» (бу қонун 1202 йил тузилган, 1218 йил тузатиш ва ўзгартиришлар киритилган) қонунларига кўра, қуш ва ҳайвонларни март ойдан октябрь ойига қадар ушлаш тақиқланарди. Бунинг сабаби дашт орқали, айниқса, озиқ-овқат топиш қийин бўлган қиш ойларида ҳаракатланаётган қўшин озиқ-овқатдан қийналиб қолганида ҳайвон ва паррандалар гўштини истеъмол қилиши мумкин эди. Иккинчи томондан эса шу йўл билан табиатдаги мутаносиблик сақланиб қолинган.

\* \* \*

Ўрта Осиёда ов маросимларининг яна бир қизиқ жиҳати шундаки, бу аксарият ҳукмдорларга суиқасдлар уюштиришга вазият туғиладиган жой ҳам бўлган. Бир қанча мўғул хонлари, давлат амирлари Қайғухон, До-нишмандчохон, Кобулшоҳ, Амир Ҳусайннинг бобоси Амир Қазаған ва бошқалар мана шу ов пайтида фитначилар тузган тузоқ қурбони бўлганлиги манбаларда сақланиб қолган.

**Акбар ЗАМОНОВ,**  
тарих фанлари  
бўйича фалсафа  
доктори

✓ SAVOQ

# ҚИЛИЧ ҚЎЛГА НИМА ДЕЙДИ?

Husayn Voiz Koshifiy

Қилич уруш қуролидир, шу боис унинг ҳиммати баланд. У ўз эгасининг суянчиғи, ҳимоячисидир ва унинг ёрдами билан душманлар даф этилади. Шу боис улуғ инсонларни ҳам қиличга қиёслайдилар. Чунки улуғ инсонлар ҳам ўз мулозим-муридларининг ва ҳам ўзларининг ҳимоячиларидир ва улар туфайли душманлар устидан галаба қозонилади.

Қиличнинг орқаси қайси, деб сўрасалар, марднинг билаги, деб жавоб бер, чунки шу билак кучи билан қилич чопилади.

Қиличнинг юзи қайси, деб сўрасалар, душманни даф этишга бўлган шиддат-шижоат, деб айтгил.

Қиличнинг тили нима дейди, деб сўрасалар, у ҳол юзасидан қабза баён этади, деб айтгил.

Қилични нимага қиёслаганлар, деб сўрасалар, айтгил: ҳар замон маърака бўстонида очилган райҳон гулига, чунки қилич тутган кишидан мардлик хушбўйлиги эсади.

Қиличнинг боши қайси, деб сўрасалар, қилични мардлик маҳорати



билан кўтариб юриш, деб айтгил.

Қиличнинг жавҳари нима, деб сўрасалар, пок ният билан курашиш, деб айтгил.

Қиличнинг банди қайси, деб сўрасалар, қиличнинг банди уни жавонмардлик расми билан кўтариб юриш ва мардлик билан сақлаш деб айтгил.

Қўл қиличга нима дейди, деб сўрасалар, жавоб бериб айтки, қўл қиличга:

– Обрўга эга бўлай, десанг, ишлагин, – дейди. Агар қилич қўлга нима дейди, деб сўрасалар, дегилки, қилич қўлга:

– Агар мени асрасанг, мен ҳам сени асрайман, – дейди.





# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



## Китоблар ўрнини боса олади(ми?)

XXI асрга келиб, техника тараққиёти шиддат билан ривожланиб, у кўплаб эҳтиёжлар ўрнини боса оладиган даражага етмоқда. Биргина смартфоннинг ўзи қўнғироқ қилиш, фотоаппарат, видеокамера, сканер, диктафон, радио ва яна бошқа воситалар вазифасини бажара оляпти.

Смартфон ёки компьютер орқали сиз энг сўнги янгиликларни ўқиб, дунёда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўласиз. Шунингдек, гаджетлардан онлайн кутубхона ҳамда аудио китоб сифатида фойдалана оласиз. Демак, юқорида санаб ўтилган технологиялар орқали унумли вақт ва самарали ишга эга бўлиш мумкин, деган фикр туғилиши табиий, албатта. Аммо техника тараққиётининг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Масалан, қўл телефонидан кўп фойдаланиш инсон соғлиғига зарар эканлиги кўпгина тажрибалардан маълум. Мобиль телефондан чиқадиган электромагнит нурлар инсоннинг мия ҳужайраларига жиддий таъсир қилиб, уни турли хавфли касалликларга дучор қилаётгани, натижада дунёда ҳар 20 та инсондан биттаси ушбу мобиль алоқа нурланишининг қурбонига айланаётгани ачинарли ҳол, албатта. Шу сабабли электромагнит тўлқинини ҳосил қиладиган воситалардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш соғлом турмуш тарзини

барпо қилишимизга зармин яратади.

### БОЛАЛАРНИНГ ТЕЛЕФОНГА ҚАРАМЛИГИ

Телефондан кўп фойдаланиш оқибатида болаларда нутқдаги муаммолар юзага келади. Яъни дудуқланиб гапирадиган ёки гапиршга қийналадиган бўлиб қолади. Муסיқани баланд овозда эшитиш, қулоқчинлардан мунтазам равишда фойдаланиш оқибатида инсон организмнинг асаб тоналарига жиддий зарар етиши мумкин. Қолаверса, бир нуқтага узоқ вақт тикилиб қараш кўриш қобилятининг сустлашишига олиб келади. Агарда фарзандингизнинг гаджетларга ҳаддан ташқари ўрганиб қолаётганлигини сезсангиз, у ҳолда болага нисбатан кескин чора кўрмасдан, уни чалғитиш йўллари топишингиз керак. Мисол учун, болангиз билан бирга кўпроқ вақт ўтказинг. Аксар болалар ранг-баранг китоб ҳамда журналларни жуда ҳам яхши кўради.

### ФИКРНИ ЖАМЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Китоб ва газеталарнинг медиа воситаларига қараганда қулайликлари кам бўлиши мумкин. Мисол учун, ўзингиз билан ҳар доим олиб юришда ва сизга керакли бўлган маълумотни топиш тезлигида мобиль телефонлар қулай. Бироқ сиз китоб ўқиш жараёнида фикрингизни жамлай оласиз. Яъни ҳар хил турдаги сайт ва рекламаларга чалғимай, виртуал оламдан узоқда бўласиз. Бундан ташқари китоб ўқиш орқали сиз чиройли нутқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, ўқиш жараёнида хотирангиз чархланиб, фикрлаш қобилятингиз ривожланади. Қолаверса, олимларнинг изланишларига кўра, китоб ўқиш стрессни камайтиради. Кўп китоб ўқиган инсоннинг характери ва шахсияти яхши ривожланиши ҳам исботланган.

**Шаҳобиддин  
 ХОЛБОВЕВ,  
 Ўзбекистон давлат  
 жаҳон тиллари  
 университети  
 талабаси**

## ✓ UCHRASHUV

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН —

## ЁШЛАР МАМЛАКАТИ!



Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшлар учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланган.

Армияда йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, маънан ва жисмонан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётини позицияси шаклланиб, Ватан ҳимояси йўлида доимо шай, мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқдалар.

Термиз давлат университетиде талаба-ёшлар билан «Янги Ўзбекистон – ёшлар мамлакатини!» шиори остида «Раҳбар ва ёшлар учрашуви» бўлиб ўтди.

Учрашув Термиз гарнизониде жойлашган ҳарбий қисм командири полковник Азизбек Садиков билан ўтказилди. Дастлаб ҳарбий қисм командири ўз фаолияти ҳамда ҳарбий қисм шонли тарихи ва эришган ютуқлари тўғрисида ёшларга маълумот берди.

Тадбир давомида ёшларнинг таклиф ва мурожаатлари тингланди. Университет ёшлари томонидан ҳарбийлар фаолияти билан яқиндан танишиш учун мурожаат бўлди. Ушбу мурожаат қўллаб-қувватланиб, талабалар иштирокида «Ҳарбий қисмда бир кун» шиори остида экскурсия ҳамда ҳарбий қисм ва университет ўртасида «Ёшлар ойлиги»ни юқори савияда ўтказиш мақсадида меморандум тузиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Учрашув якунида ўқув йили давомида ҳарбий қисмда ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган бир гуруҳ талабалар китоблар тўплами билан тақдирланди. Термиз гарнизони ҳарбий оркестри жамоаси Ватанни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлари билан ёшларга байрамона кайфият улашди.

**III даражали сержант  
 Акбар АҲМЕДОВ  
 Термиз гарнизони**





# ЙЎҚОТИЛГАН ИМКОНИЯТ

**Баҳорнинг сўнги ойлари. Катта ҳаётга қадам қўяётган Диёра битирувчи синф ўқувчиси. Мактаб дарслари тугаса-да, уйга қош қораймасидан аввал қайтмасди. У ота-онасининг ёлғиз дилбанди.**

Диёра икки ёшга тўлганда дадаси Нуриддин ака касалликка чалингани сабаб оилани бошқариш юки онаси Назира опа зиммасига тушди. Диёра шунинг учун онасига оз бўлса ҳам ёрдам бериш мақсадида мактабни битирмасдан ишга жойлашганди.

Диёранинг болалигидан орзулари кўп бўлиб, улардан энг асосийси, университетда ўқиш. Назира опа қизининг орзуларидан хабардор бўлгач, ёнига чақириб, гап бошлади:

– Қизим, бир пайтлар дадам мени ўқитаман, деганида, қайсарлик қилиб, «Мен ўқишни истамайман, ишлайман!» деб савдо йўлини танладим. Мана, ҳалигача савдо-сотик билан шуғулланаман. Топган пулим рўзғордан, дадангнинг дори-дармонларидан ортмайди. Шукурлар

бўлсинки, сен яхши ўқийсан, билиминг, ўқишга қизиқишинг бор. Майли, ўқи, ҳамма ҳурмат қиладиган ўқимишли инсон бўл! Мен эплай олмадим, лекин ишончим комил, сен удралайсан, қизим!

– Рост айтяпсизми, ойижон? – хурсанд бўлиб кетган Диёра кўзида севинч ёшлари билан онасини маҳкам кучоқлаб олди. Чунки университетда ўқишнинг учун гўёки ушалмас орзу эди.

Йиллар ўтди. Диёра инглиз тилини чуқур ўрганиб, ҳали мактабни тамомламасдан, бошланғич синф ўқувчиларига дарс бера олиш даражасига етди. Ва мактабда тўгарак очди. Нуриддин аканинг аҳволи эса кундан кунга ёмонлашар, вужудидagi хасталик уни аста-секин емириб борарди. Диёранинг мактаб битирув имтиҳонлари яқин, шунга астойдил тайёргарлик кўрар ҳамда ўқувчиларига дарсларни янада мукамалроқ тушунтириш ҳақида бош қотирарди. Қизгинанинг фикри хаёли шулар билан банд эди.

Бир куни ўқишдан қайтган Диёра ховлида дадасининг курсиси бўш турганини кўрди. Дарҳол онасидан сўради:

– Ойижон, дадажоним қаердалар?

– Хоналарида, – маҳзун жавоб қайтарди Назира опа, – қизим, дадангнинг аҳволи кундан кунга ёмонлашяпти, олдиларига кириб, хабар олиб чиқасанми?

– Бугун жудаям кўп ишладим, қаттиқ чарчаганман, ойижон, эртага хабар оларман, – деб онасининг сўзига эътиборсиз, хонасига кириб кетди. Дадасининг аҳволи ёмонлашаётганини жиддий қабул қилмади. Чунки эсини танигандан бери дадаси хаста. «Дадам болалигимдан касал, ҳар доимги ҳоли бўлса керак. Эртага мактабга кетмасимдан аввал кирарман», деб ўзини оқлади-да, бошини

юмшоққина пар ёстиққа қўйди-ю, уйкуга кетди. Онасининг «овқатланиб олсанг-чи», деган сўзи ҳам қулоғига кирмади.

Эрталаб ширин уйқусидан уйғонгиси келмай, иссиқ кўрпасига бурканиб олган Диёрани онаси шоширди:

– Тура қол, қизим, вақт алламаҳал бўлиб қолди! Битирув имтиҳонлари яқин, дарсларни қолдирмай, яхши ўзлаштиришинг керак.

– Ҳозир, ойижон, мана, туряпман! – хонасидаги соатга қараб, ўрнидан туришга шошилди у.

Апил-тапил чойини ичиб, китоб-дафтарларини кўтарганча, югуриб уйдан чиқиб кетаётган Диёра дадасининг қаттиқ йўталаётганидан хушёр тортди. Кечаги айтган гапи хаёлига келиб, дарвоза ёнида тўхтаб қолди. Дадасининг ҳолидан хабар олиб, «Аҳволингиз яхшими, дадажон?» дейиш кераклиги ёдига тушди. Лекин «Ҳозир кеч қоляпман, кечга томон албатта, олдиларига кирарман», деб югурганча дарвозадан чиқиб кетди.

Кечки пайт... Кун ботиб, кеч тушишни кўриш ҳаммага ҳам насиб этмаслиги, эрталаб ҳаёт одамни шомда топа олмаслик эҳтимоли борлиги қизнинг хаёлига келмади. Ёшлик қилди, ўқиш ва бошқа юмушлар билан овора бўлди.

Нима бўлганда ҳам, Диёра дадасини қаттиқ яхши кўрарди. Нуриддин ака ҳам уни еру кўкка ишонмас, кўз қорачиғидек асрашга уринарди. Диёранинг уйга келишини интиқлик билан кутиб, унинг овозини эшитиши билан ёнига чақириб, суҳбатлашиб ўтиришни хуш кўрарди. Қизининг кўз юмиб очгунча катта бўлиб қолганини кўриб ҳам севинар, ҳам қизалоғининг болалигидаги истакларини бажара олганини, аёли ва фарзандига ғамхўрлик

кўрсатолмаганини ўйлаб, ич-этини ерди. «Менинг хасталигим сабаб бечора қизим ёш боши билан ишлашга мажбур бўляпти», деб ўзидан нафратланиб кетарди.

Диёрага кутилмаганда қўнғироқ бўлди:

– Лаббай, ойижон!  
– Қизим, қаерда бўлсанг ҳам тез етиб кел, дадангнинг аҳволи оғирлашди! – таҳликали овозда хабар берди Назира опа.

Ўқув марказидан қандай қилиб чиқиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолган Диёра юрагида қаттиқ кўрқув, ёнокларини юваётган кўз ёши ила фақат бир гапни такрорларди: «Ундай бўлмайди! Асло ундай бўлмайди! Дадам ҳали яшайди, албатта, яшайди! Мен ахир дадамдан ҳол сўрашим керак-ку?!» деб юрагини эзаётган ёмон хаёллардан қутулишга ҳаракат қиларди. Йўқ, у айтганидек бўлмади. Бунини ҳовлига кириб боргандаёқ англаб етди.

– Қизим, тезроқ бўлақол, сўнги маротаба дадангни кўриб қол!

Диёра ойисининг гапларини тинглар экан, кўксида кўтарилган тўфон хаёлларини остин-устун қилиб, виждон азоби ва пушаймонлик ҳисси бутун вужудига қаттиқ титроқ соларди. У аламли кўз ёши ва ингроқ билан «Дадажон!» дея олди фақат. Юрагига оғриқ бериб турган айрилик ўти бўғзини куйдириб, ортиқ бирор сўз айтишга имкон бермади. Зотан, нима деса ҳам жуда кеч ва фойдасиз эди.

Унутманг, вақт кутмайди. Шу бугун қилмоғингиз керак бўлган ишни асло эртага қолдирманг, бугун бажаринг! Ихтиёрингизда фақатгина бир кун бор, ўша кун билан яшанг! Эртангиз ва бутун ҳаётингизни пушаймонликка тўлдирманг!

**Робия ҲАКИМОВА,  
Ўзбекистон давлат  
жаҳон тиллари  
университети талабаси**

## FIKR

# ТАБИАТНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

**Тахминан 10 йилдан сўнг дунё манзараси қай йўсинда ўзгариши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Инсониятнинг яшаш тарзи қай даражада ўзгариши ҳақида-чи?**



Ёдингизда бўлса, 2022 йилнинг 17 октябрь оқшомида Тошкент шаҳри ҳавонинг ифлослиги бўйича IQAir (Explore Air Quality – ҳаво сифатини ўрганиш) рейтингига Дехлини ҳам ортда қолдириб, дунёда 1-ўринга чиқди. Бунга сон-саноксиз дарахтлар кесилиши, пала-партиш қурилишлар ва сифатли жамоат транспортини йўқлиги, шаҳарда автомобиллар кўпайиб бораётганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин!

Бу ҳаводан нафақат биз, балки яқинларимиз, фарзандларимиз ҳам нафас олади. Аммо она табиатни асрашга келганда фаросатимиз камлик қилади.

Кўча-кўйда ободонлаштириш ходимлари-

га кўзи тушса, уларга нафрат билан боқадиганлар бор. Ерга турли хил чиқиндиларни улоқтириб, таб тортмай «ойлигини оляпти, қилади-да», деб инсон қадр-қимматини йўққа чиқарамиз. Бугунги кунда, айниқса, ёшларда бундай ҳолатларга гувоҳ бўламиз.

Масалан, кеча автобусда кетаётиб, оёқ остида энергетик ичимлик идиши яна 3-4 та қоғоз (автобус ичида) ётганига кўзим тушди ва ичимлик идишини олиб, биринчи тўхтаган бекатдаги чиқинди идишига ташладим, лекин мендан узоқроқда ётган қоғозларга бирор кимса парво қилмади. Бунга ўхшаган яна бир ҳолатга ўртоғим билан гувоҳ бўлдик. У билан бирга

метрога тушиб борар эканмиз, одамларнинг бир марталик чипта қоғозни махсус челаққа эмас, эътиборсизлик билан ерга ташлаб кетаётганига кўзимиз тушди.

Бугунгидан олдин олиш учун таълим-тарбияни аввало, оиладан, мактабдан бошлаш керак. Кўчадаги чиқинди ташланадиган идишларнинг кўпайтирилиши натижасида ҳам бу бетартибликни камайтириш мумкин.

Бунини тўғри англаётганлар ҳозирги замонда камдек. Йиллар бир-бирини қувиб, авлодлар алмашганда бизни қандай эслашини ҳозирдан англаб қўяверинг!

**Муродилла ЧОРИЕВ,  
ЎзЖОКУ талабаси**



Одамлар орасида бўлганимизда болаларидан нолиб, шикоят қилиб, улардан меҳр-оқибат талаб қилиб юрганларни учратамиз. Хатто фарзандларидан оқибат кўрмаётган ота-оналарга ачиниб, ноқобил фарзандлардан ёзгириб ҳам қўямиз, баъзида. Аммо биз кўп ҳолда вазиятга бир томонлама ёндашиб ўрганганмиз. Мулоҳаза қилинганида аён бўладики, айна чоғда ўғил-қизидан нолиб, фарзандларини меҳрсизликда айблаб юрганларнинг аксарияти болаларига берган тарбиясининг натижасидан «бахраманд» бўлишяпти. Халқда, «Ҳар ким экканини ўради», деган ибратомуз нақл бор. Бу ҳикмат айнан фарзанд тарбиясига қарата айtilган бўлса, ажаб эмас.

## БОЛА ТАРБИЯЛАЁТГАН



## ОТА-ОНАНИНГ ЎЗИ ТАРБИЯЛИМИ?

### ЭККАНИНИ ЎРАДИ!

Иттифоқо қаердадир ўқиганим бир ҳикоят ёдимга тушди: Бир йигит ўз отасини ҳақорат қилиб ураётганини кўрган одамлар нафратланиб, у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлибдилар. Йигитнинг отаси эса одамларни тўхтатиб: – Биродарлар, ўғлимга ҳужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айбдорман! Йигитлигимда бир кун худди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб ургандим. Отамга қилган андишасизлигим жазосини ўзим ҳам тортиб турибман. Уларга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшандай муомала ўз ўғлимдан қайтди. Экканини ўраяпман, биродарлар! Мен ота-онамни ҳурмат қилмадим, дилларини оғритдим. Улар мендан норози бўлиб кетдилар. Энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда, – деб ўксиниб-ўксиниб йиғлаган экан. Шунда йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилибди. Дарҳол отасини кучоқлаб, ўпиб, ундан узр сўрабди. Ота ҳам ўғлининг гуноҳини кечириб юборган экан.

Қиссадан ҳисса: ҳар ким экканини ўради. Энди ўзингиз йўлаб кўринг, бола атак-чечак қадамлар билан дунёга қадам ташлаётган бир пайтда биз – ота-оналик масъулиятини тўла англамай, унинг мартабасидан ҳаволаниб юрган бир тўп ғофиллар фарзандимизга энага ёллаб ёки опа ё синглимиз, умуман, бирор яқинимизга ташлаб, пул топиш, мол-дунё йиғиш дардида изғиб юраверамиз. Ора-сирада сўраганларга, «Бола-чақани деб югуриб юрибмиз-да», деб қўямиз. Хаттоки фарзандларимизга «Сизларни деб куну туним баробар бўлиб тентирайман, сизлар учун ишляпман», деб писанда қилиб қўйишни ҳам унутмаймиз. Умуман олганда, фарзандимизга маънавият, одоб-ахлоқ, бурч ва масъулиятни ўргатишнинг керак бўлган пайтларда биз дунёвий ҳаваслар оғушида маст бўламиз. Югураемиз, чопамиз. Кечқурун нажот истаб, меҳр кутиб оёқларимизга ёпишган қизалогимизни жаҳл билан нари итарамиз:

– Бор, ёпишма, нариги хонага ўтиб ўйналаринг! Ўзим итдай чарчаб, бир аҳволда келдим...

Мунчоқдек кўзларига мунг тўлади болақизининг. Тирикчилик ташвишида тошдан қаттиқлашиб қолган қалбимиз жигарбандимиз кўзидаги мунгни қайдан англасин?! Ёки фақат пул топиш, кўшнимиздан бойиб кетиш режасидаги ўйлар ғалаёнида нотинч бўлган ҳиссиз юрагимиз билан бугун мактабда аъло баҳо олиб, ўқитувчисидан олқиш эшитган ўғилчамизнинг қувончига қандай шерик бўламиз?! Шундай қилиб ўзимиз, ўзимиз уларни меҳрсиз, тошбағир қилиб ўстирамиз. Ҳали мурғаклигидаёқ юракчаларини тошга айлантириб бораверамиз, бораверамиз... Кези келиб, қилмишларимиз пировардида болаларимиздан оқибат кўрмай, эътиборга муҳтож бўлиб қолганимизда эса, таниган-танимаганларга зурриётларимиздан шикоят қилиб, айюҳаннос солиб юрамиз. Афсуски, шундай...

### ОТАНИНГ ДАСТИДАН...

– Асли водий шаҳарларининг бириданман. Эллик йил аввал Тошкентга узатилдим. Онам, «Тоғамнинг ўғлига сени узатаман, орадаги қариндошлиқ ришталари узилмасин», дегандилар.

У пайтлари ота-онанинг истаги ҳукм ўрнида эди, кўнмай қаёққа ҳам борардим, – дейди тахририятга кўнғироқ қилиб, кўз ёшларини тиёлмай аччиқ қисматини ҳикоя қилган она-хон. – Бизга «Хотин эрнинг мулки, эркак нима қилганда ҳам, хотин сабр билан чидаш бериши керак, эрдан келган озорни эҳтиром билан қабул қилишинг лозим», деб тарбия берганлар. Турмуш қурганимиздан то ханузгача, эримдан бир оғиз яхши гап эшитмадим, бир бурда беминнат нон емадим. Лекин тиш ёриб, бировга дардимни дастурхон қилмаганман ҳам. Фақат ҳозирги айрим ёшларнинг арзиманган майда-чуйда дилхиралликларни ваз қилиб, эрига ҳурматсизлик қилиши, турмушдаги кичик қийинчиликлардан фожиаясаб, оиласини бузишгача бораётганини кўриб, эшитиб, тақдиримни мисол келтириш билан ундайларни тўғри йўлга бошлашни мақсад қилдим.

Не кунларни кўрган бўлсам ҳам, тақдиримдаги битик шу экан, деб сабр қилиб яшадим. Аммо эримнинг қилмишлари жабрини фарзандларим тортаётганини кўриб, тўғриси чидай олмаяпман. Бир неча марта кўчадан енгилтак аёлларни ўйга бошлаб келиб, кўз олдимида хиёнат қилган. Камига мени таҳқирлаб, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб, хўрларди. Оёғи гўрға борибдики, ақли кирмади, ўзини ўнгламади. Ҳозиргача менга кўзи тушса, илон пўст ташлайдиган ҳақоратларни ёғдиради. Ўй-фикри бузук хаёллар билан банд, зинокор эримнинг менга қилган жабру жафолари бир томон, бегуноҳ фарзандларимнинг отаси содир қилган қилғиликлар касрига қолаётгани бир томон бўлди. Айтсам, биров ишонмайди. Худога рост, иймонсиз эрим келинимга ёмон кўз билан қараб, ўғлимнинг гулдай оиласини бузди, икки неварам икки томонда сарсон бўлиб, бири ота, бири она меҳрига зор бўлиб ўсишяпти. Ўғлимни иккинчи мартабага уйлантирдим. Шукур, бахтимга келиним оқила, фаросатли чиқди. Чидаяпти, сабр қияпти. Қизларим эри, қайнбўйинлари олдида хижолат чекиб, бўйинини қисиб юради. Болаларимнинг қисматида айбдор бўлмай, қизларим борган жойида таъна-маломат эшитмай, тиниб-тинчиб кетишсин, деб эримдан кўрган зулмларни бировга билдирмадим. Қариган чоғида чолим биздан бўлак яшяпти. Маҳалла-кўй олдида ўғлимнинг боши эгик...

Одам боласи фарзандини ўйламанса, унинг тақдирига дахлдорлигини, ҳар бир яхши-лигию ёмонлиги ажрини фарзандида кўришини англаманса, кечирасизу, ҳайвондан баттар бўлиб қолакан-да. Айримлар ота ё она бўлишни фақат насл қолдириш деб ўйлайди, назаримизда. Ваҳоланки, Яратган Эгам насл қолдириш хусусиятини ҳайвонлару паррандаларга, умуман ер юзидаги барча жонзотга тақдир қилган. Инсоннинг бошқалардан фарқи – тарбияда, масъулиятда, фарзандига инсоний фазилатларда ўрнарқ бўлишида! Биз вазиятнинг шу томонини ҳисобга оляпмизми? Аниқ ишонч билан айта оламизки, ҳамма ва ҳаммиша ҳам эмас! Хўш, нега? Сабаблар эса кўп...

Мохиятан таҳлил қиладиган бўлсак, болаларимизни жуда

ёш, ҳали улар ўзлари болалигидаёқ, оиланинг муқаддаслигини ҳис қиладиган бўлмаслариданоқ уйлантирамиз, узатамиз. Ота-онасидан, ўз оиласида меҳр кўрмаган, эсини таниб, дунёга назар ташлаганидан кўргани пул топиш, тўкин яшаш учун эрта кетиб кеч қайтадиган ота-онасини кўрган бола эртага турмуш қуриб, фарзандли бўлгач, боласига қандай тарбия берсин? Ундай оиладан чиққан одам дунёда «тарбия» деган сўз борлигини, фарзандли бўлган кишининг елкасига масъулият юкклигини қандай англайсин?!

– Айрим пайтларда эримнинг қилғиликларини кўриб ҳам жаҳлим чиқади, ҳам раҳим келади, – дейди бир дугонам. – Эр-хотин ўйда болалар билан ўтирганимизда, ўғилчамними, қизчамними ўйната туриб, уларни йиғлатиб қўяди. Бир куни қизчам тўлиқиб-бўғриқиб йиғлаб, олдимида келди. Нима гаплигини сўрасам, «Дадам бурнимдан чимчиладилар, қаранг, қон оқаяпти», деб қон тўла кафтчасини кўрсатди. Ўғлимнинг ҳам сонларини кўкартириб чимчилайди, баъзан болалар ўйнайдиган ўйинчоқларни яшириб қўйиб, уларни йиғлатиб, ўзи роҳатланади. Рухий касалми, деб ўйласам, туппа-тузук ақлли, олий маълумотли шифокор бўлса. Ўйласам, биз хўжайиним билан синфдош эдик. Ўқувчилик давримизда у тез-тез юз-кўзи қонаган, боши ёрилган, гоҳида қўллари гипсда мактабга келарди. Болалар, «Дадаси ичиб келиб, онасига қўшиб буларни ҳам дўппослайди», деб масхара қилишарди. Улғайиб, жамиятда ўрнини топган бўлса-да, хануз болалигида кўрган-кечирганлари ҳаётида таъсир кўрсатяпти. Эрим ёмон одам эмас, болаларимизни ҳам яхши кўради. Лекин меҳрини кўрсатиш асносида уларга озор етказиб қўйишини тушунмайди. Унинг феълидаги бу хусусиятлар ҳақида таниш руҳшунос билан сўхбатлашганимда, у «Эрингиз оиласида ота-онасидан меҳр кўрмай ўсган. Балки, болалигида ота-онаси болаларининг кўз олдида кўп жанжаллашган ёки эрингизни кўп калтаклашган, бу унинг руҳиятида чуқур из қолдирган. Шунинг учун ҳам эрингиз болаларига ўзи истамаган ҳолатда озор беради» деди. Унинг гапларини эшитиб, тўғриси эримга жуда раҳим келди. Ахир руҳшунос уни тўлиқ билмайди, болаликдаги ўтмишидан беҳабар ҳолатда эримга тўғри ташхис қўйганди-да. Ҳаётда оилавий муҳит, ота-онанинг фарзандига муносабати ҳар қадамда кишига таъсир кўрсатишига яна бир бор амин бўлдим...

### «ОИЛАМИЗ НОТИНЧ ЭДИ...»

Ёшликнинг бебош кўчаларида янглиш қадам қўйган ёш-ёш қизчалар, ахлоқ тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган ёшларни сўхбатга торсангиз, жавоблар бир-бирини такрорлайди: – ... Онам ўлганидан кейин дадам бошқа хотинга уйландилар. Биз билан қизиқмадилар. Қаерга боришимни, кимлар билан учрашишимни сўрамасдилар... – ... Дадам ҳар куни ичиб келиб, онамни дўппослар-

дилар, онамни қутқармоқчи бўлсам, мени ҳам урардилар. Уйдан чиқиб кетганман...

– ...Ота-онам хоригга ишлагани кетганлар. Бизга бувим қарардилар. Уларга қулоқ солмай, шу йўлга кириб кетганман...

– ...Оиламиз нотинч эди. Уруш-жанжаллардан безиб, уйдан бош олиб кетгандим ва ҳоказо ва ҳоказолар...

Фарзандимиз тақдирида салбий таъсирни энг аввал ўзимиз берамиз-у, лезин ҳеч қачон айбимизни тан олмаймиз. Тан олгимиз келмайди. Аксинча, қоқилиб, бурни қонанган болаимизни юпатиш ўрнига баттарроқ койиймиз:

– Кўзингга қарасанг бўлмайди? Сен қачон одам бўласан-а?!

### ЮРАКДАГИ ОҒРИҚ

– Ота-онамнинг инон-ихтиёрлари билан турмушга чиққан эдим. Гарчи келинлик уйимда қайнона-қайнотам, эрим ва қайнбўйинлардан бир оғиз ширин сўз, ҳурмат эътибор кўрмаган бўлсам-да, аввало, фарзандимни деб, қолаверса, ота-онамнинг обрўларини ўйлаб, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, оиламни сақлаб қолишга уриндим, – дейди маълум сабабларга кўра турмуши бузилган ҳамкасб опамиз. – Аммо ҳеч иложи бўлмади, барибир дарз кетган оилани асраб қололмадим. Ажрашганимдан кейин бир бола билан ота уйимга қайтиб, кўрганам изтироб, эшитганим таънаю дашном бўлди. Тушқунликка тушиб, қийналиб-эзилиб юрганимда ота-онам маънавий қўллаб-қувватлаш, кўнглимни кўтариб, яхши кунларга умид уйғотиш ўрнига тинмай, мени айблайверишарди. Онам бир неча марта, «Сенга асл матолардан қанча кўрпа-кўрпачалар қилгандим, сепингга фақат қимматбаҳо нарсалардан олгандим. Шунча нарсани ўтга совурдинг», деб аллақандай буюмларга ачинадилар-у, менинг ўн йиллик умримга, кемтик бўлган кўнглимга, синган бахтимга ҳеч куйинмасдилар. Бошимга тушган оғир кунларни бир ўзим енгиб ўтдим. Болам билан ижарама-ижара юриб, не кунларни кўрмадим. Шукур, ҳаммаси ортда қолди. Ҳаётим ўз изига тушиб кетди, қийин кунларимни эртақдай эслайдиган бўлдим-у, ота-онамнинг ўша пайтлардаги совуққонлиги бир умрга юрагимдан кетмайдиган доғ бўлиб қолди-да...

Эътибор берган бўлсангиз, мулоҳазаларимиз аввалидан охирига қадар фақат бир фикр атрофида – ота-онанинг фарзанд тақдирига дахлдорлик ҳиссини, бола фитратидида ота-оналарнинг ўзлиги намоён бўлиши хусусида мушоҳада юритяпмиз. Замондош, сизнингча, бугунги кун ота-оналарининг ҳам оқоридаги хулосалар хусусида чуқурроқ ўйлаб кўришлари мавриди келмадимикан? Зеро, фарзандларимиз биздан кўра соғлом, ақлли, кучли ва албатта, бахтли бўлишлари учун аввало, улар юксак маънавият, гўзал ҳусну хулқ ҳамда энг чиройли тарбия билан зийнатланган бўлишлари даркор эмасми?! Нима дедингиз?

Умида АЗИЗ,  
журналист



# ҚАҲРАМОН БОЛАЖОНЛАР



**...Юля ука ва сингилларини бир жойга жамлаб, мушти билан хонадаги ойнани синдиради. Бу пайт ёнаётган уйга қўшнилар ҳам етиб келишади. Қиз кичик укаси ва сингилларини улардан бирига бериб, ўзи ҳушидан кетади...**

Қаҳрамонлар ҳақида сўз борганда машҳур кинодаги гап ёдга тушади:

«Охирини ўйлаган қаҳрамон бўлмайди...»

Инсон қаҳрамон бўлиб туғилмайди. Уни ҳаётнинг ўзи тарбиялайди. Баъзида бир сонияда чиқарилган қарор кичик бир қаҳрамонликка дебеча бўлиши мумкин. Сизга баён этмоқчи бўлган ҳикояларимиз ҳам кичкинагина жуссасига улкан жасоратни яширган болажонлар кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақидадир.

## ҚОПЛОН ЧАНГАЛИДА

Бу воқеа 2017 йилнинг ёзида Ҳиндистоннинг Махараштра штатида содир бўлади. Бувисининг уйига меҳмонга келган 14 ёшли Нареш Калурам Бхала ва 7 ёшли Харшад Виттхал Бхала маймунжон тергани ўрмонга йўл олади. Йўлда уларга буталар орасида беркиниб турган қоплон ташланади. Аввалига йиртқич болаларнинг каттасига ташланади. Бироқ Нареш четга қочиб қолгани сабабли нишонга унинг кичик укаси рўбарў келиб қолади. Укасининг ҳимоясига отланган Нареш ердан тош ва таёқ олиб, қоплонни ура бошлайди. Бу вақтгача болаларнинг овозини эшитган буви ёрдамга етиб келади ва ўроқ билан қоплонни қувиб юборади. Болаларни эса зудлик билан шаҳар шифохонасига олиб боради. Эртаси куни болаларга ташланган қоплоннинг жасади кўнгилсиз ҳодиса содир бўлган жойдан 300 метр наридан топилади. Экспертлар қоплоннинг ёши 10-12 да бўлгани ва у қариликдан вафот этганини таъкидлайди.

## ҚИРҒОҚЧА БИР СОАТ СУЗГАН БОЛАКАЙ

АҚШнинг Флорида штатида яшовчи Стивен Поуст 2 нафар фарзанди билан Жексонвиллдаги Сент-Жонс дарёсида чўмилишга қарор қилади. Улар дарё ўртасигача қайиқда бориб, қизи ва ўғли чўмилиши учун у ерга лангар ташлайди. Стивеннинг 4 ёшли қизи Эбигейл қайиқ четини ушлаб чўмилаётганида бирданига кучли оқим қизалоқни олиб кета бошлайди. Қизча қутқарув жилетида бўлганлиги сабабли у сувда чўкмас, бироқ оқим уни тобора узокроққа оқизиб кетарди. Қизчанинг 7 яшар акаси Чейз сингилсини қутқармоқчи бўлиб сувга шўнғийди. Бироқ отаси унга қирғоққа сузишни ва ёрдам чақиришни бую-

ради. Стивеннинг ўзи эса қизини қутқаришини айтади. Болакай кучини сақлаб қолиш мақсадида қирғоқчача бўлган 1 соатлик масофани чалқанча сузган ҳолатда босиб ўтади. Қирғоқча етиб бориши биланоқ Чейз бошқаларни ёрдамга чақиради. Қутқарувчилар қайиқни топишганда ён-атрофда ҳеч ким бўлмаган. Улар қидирувни кенгайтириш учун дарҳол қўшимча кучларни жалб қилади. Натижада ота ва қиз қайиқдан тахминан 3 км олисдан топилади.

## ҒАЙРИОДДИЙ РЕАКЦИЯ

Воқеа АҚШнинг Флорида штатидаги уйлардан бирида содир бўлган. 35 ёшли Тайла Леви кичик ўғлининг таглигини алмаштираётган вақтда уни мактаб вазифаларини бажараётган 6 ёшли Сион исмли ўғли чалғитган. Она бир сонияга уни тарк этган заҳотиёқ орқасида ётган Эйтан йўргак столдан ағдарилиб тушган. Шу пайт Эйтанга катта акаси 9 ёшли Жозеф ёрдамга ошиқади. Укасини ердан бир неча сантиметр тепада ушлаб қолишга муваффақ бўлган Жозеф воқеа қандай содир бўлганини англамай ҳам қолади.

Эйтан соғ-саломат, аммо Жозеф бўлган воқеадан ҳайратда ва 13,5 килограмм вазни укасини қандай кўтариб қолганини ўзи ҳам тушунмайди. Чунки бошқа ҳолларда у укасини кўтаришга ҳам кучи етмас эди. Тайланинг айтишича, бу мўъжизадан бошқа нарса эмас. Сабаби воқеа содир бўлаётган вақтда Жозеф хатто хонада ҳам бўлмаган. У бахтли тасодиф билан шунчаки очиқ эшик олдидан ўтиб кетаётганди.

Буларнинг бари хонадаги кузатув камерасига тушиб қолган. Ҳамма тинчлангач, Тайла бу тасвирни қайта-қайта томоша қилади. Шундан сўнг бутун оила Жозефни қаҳрамон деб атаб бошлайди. Унинг кўрсатган қаҳрамонлиги учун бувиси ва буваси совға олиб беришмоқчи бўлишганида у рад этади. Чунки у учун Эйтаннинг омон қолгани катта совға эди.

## ВОЛГАДАГИ ҲОДИСА

Россиянинг Саратов вилояти Энгельс шаҳрида истиқомат қилаётган ўзбекистонлик 10 ёшли Альфия Тожибоева музлаган Волга дарёсида чўкаётган икки ёш болани қутқариб қолади. Воқеа эса қуйидагича содир бўлган эди.

7 ёшли Даша Тангинова ва унинг 6 яшар укаси

Миша Альфияни Волга бўйига сайр қилгани чақиради. Альфиянинг қаршилигига қарамасдан болалар юпқа муз устига чиқиб, сирпанчиқ уча бошлайди. Шунда кутилмаганда муз ёрилиб, болалар бирдан сувга тушиб кетади. Сал нарида уларни кузатиб турган Альфия ёрдамга ошиқади ҳамда уларни сувдан чиқариб олмақчи бўлади. Болаларни тортиб олишга кўзи етмаган Альфия ўзини муздай сувга отади.

– Мен уларга елкамга чиқишни буюрдим, – деб эслайди Альфия. – Аввал қуруқликка Даша, унинг ортидан Миша чиқиб олди. Кейин ўзим чиқдим. Бу жуда тез содир бўлдики, умуман совуқни сезмадим.

Сувга тушган болаларни биринчи бўлиб дарё бўйида айланиб юрган эр-хотин Евгений ва Валентина Шиповлар кўриб қолган. Шиповлар болаларни кўтариб дарё яқинидаги биринчи бино – маҳаллий тиббиёт коллежига олиб киради ва ўша ерда уларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилади.

## ЁНҒИНДАН ОМОН ЧИҚАНЛАР

10 ёшли Юля бўлмаганида Россиянинг Белгород вилоятидаги Тетеревино қишлоғида юз берган ёнғинда унинг беш нафар ука ва сингилсини тақдири фожиали якун топиши мумкин эди. Она ўзининг катта қизидан укаларига қараб туришни сўрайди. Уйда эса 6 нафар вояга етмаган бола бўлади. Юля ука-сингиллари билан хонада ўйнаётган пайт болалардан бири ошхонага бориб, ёнғин бошланганини айтади. Қўрқиб кетган болалар хоналарга қочиб кириб, каравот таги ва шкафларга беркиниб олишади. Аввалига қизлардан каттаси оловни сув ёрдамида ўчирмоқчи бўлади. Бироқ ўт борган сари аланга олиб, уйдан чиқиш йўлларини тўсиб қўяди. Юля ука ва сингилларини бир жойга жамлаб, мушти билан хонадаги ойнани синдиради. Бу пайт ёнаётган уйга қўшнилар ҳам етиб келишади. Қиз кичик укаси ва сингилларини улардан бирига бериб, ўзи ҳушидан кетади.

У қўшниларнинг уйда ўзига келиб, дарҳол ука-сингилларини санашга киришиб кетади – Юля кимнидир қутқара олмаганидан хавотирда бўлган.

Қиз ўз хатти-ҳаракатини қаҳрамонлик деб билмайди. Айтишича, ўз яқинларини яхши кўрганлиги сабаб уларни йўқотишдан жуда кўрққан.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ



# РЕКОРД КЎРСАТКИЧ ТАКРОРЛАНДИ

Озарбайжонда таэквондо WT бўйича XXVI жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси дунё биринчиликларида қўлга киритилган медаллар сони бўйича рекорд кўрсаткични такрорлади. Аввалги дунё биринчилигидаги каби яна совриндорларнинг уч нафари Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари бўлди.

Эпидемиологик мураккаб вазият сабаб таэквондо WT бўйича XXV жаҳон чемпионати уч йиллик танафусдан сўнг 2022 йил Мексиканинг Гвадалахара шаҳрида ўтказилган ва унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси барча дунё биринчиликларидаги энг юқори натижасини қайд этганди – биттадан олтин ва кумуш, 2 та бронза, жами 4 та медаль қўлга киритилган ва совриндорларнинг уч нафари MVSM вакиллари бўлганди. Бу йил таэквондо WT бўйича XXVI жаҳон чемпионати баҳсларига Озарбайжоннинг Боку шаҳри мезбонлик қилди. Унда қатнашган таэквондочиларимиз қўлга киритилган медаллар сони бўйича аввалги рекорд кўрсаткичини такрорлашди – битта кумуш ва 3 та бронза, жами 4 та медаль жамғаришди. Бу сафар ҳам қўлга киритилган медалларнинг 3 тасига MVSM вакиллари эришди.

Мексикада жаҳон чемпионлигига эришган MVSM вакили Светлана Осипова (+73 кг) Боку шаҳрида кечган дунё биринчилигида ҳам финалгача муваффақиятли етиб борди. Амалдаги жаҳон чемпиони финалда туркиялик Нафия Кусга қарши даянга чиқди. Биринчи раунддаги тенг кураш ва кейинги бўлимда туркиялик спортчининг очколар ҳисобидаги кичик устунлиги MVSM вакилининг бу сафар кумуш медал билан кифояланишига олиб келди. Ҳамюртимиз Феруза Солиқова (-62 кг) эса фаолияти давомида кетма-кет иккинчи марта дунё биринчилигининг бронза медали билан тақдирланди. Шу пайтгача Олимпиада ўйинлари ҳамда бир қатор йирик халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган, ammo жаҳон чемпионатларида ҳеч омади чопмаган армиямиз спортчиси, «Токио –



2020» Олимпиадаси чемпиони Улуғбек Рашитов (-68 кг) ўз фаолиятида илк бор дунё биринчилиги шоҳсупасига кўтарилди – бронза медал билан тақдирланди. Жаҳон чемпионатида илк бор қатнашган терма жамоамиз аъзоси Омонжон Отажонов (-54 кг) ҳам ўз вазн тоифаси бўйича баҳслар якунида шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди. Ёш спортчимиз ярим финалгача бўлган йўлда жаҳон ва қитъа чемпионлари, йирик халқаро турнир совриндорларини мағлуб этди.

XXVI жаҳон чемпионатида битта кумуш ва 3 та бронза медалга эга чиққан Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 11-ўринни эгаллади. Бу борада ҳисобимизда олтин медалнинг йўқлиги билинди. Ҳа, бу галги жаҳон чемпионати муҳлислар қатори мутахассислар, жумладан юртимиз таэквондочилари учун ҳам ана шунақа қутилмаган ўзига хосликлар билан аюкунланди.

**КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ:**  
+73 кг: Светлана Осипова (MVSM)

**БРОНЗА МЕДАЛЬ СОҲИБЛАРИ:**  
-62 кг: Феруза Солиқова (MVSM)  
-54 кг: Омонжон Отажонов  
-68 кг: Улуғбек Рашитов (MVSM)

Юздан зиёд давлатнинг минг нафарга яқин таэквондочиси қатнашган дунё биринчилигида мезбон ҳисобланган Озарбайжон терма жамоаси аъзолари биронта ҳам медални қўлга кирита олмади – «ўз уйингда деворлар ҳам суйайди» деган спортча нақл бу сафар амал қилмади. Бу ҳам мусобақа савиясидан, баҳсларнинг қай даражада шиддатли ва муросасиз кечганидан далолат беради.

## ✓ **DZYUDO**

# ШУКУРЖОНДА ИЛК ҒОЛИБЛИК

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоасининг қарийб иккинчи таркиб дзюдочилари қатнашди. Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Шукуржон Аминова халқаро турнирнинг олтин медалига мушарраф бўлди.



Қатар пойтахтида ўтган жаҳон чемпионатидан сўнг Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) спортчиларнинг янгиланган рейтингини эълон қилган ва Ўзбекистон терма жамоасининг 15 нафар, жумладан Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг 8 нафар вакили ушбу рейтингда «Париж – 2024» ёзги Олимпия ўйинларининг лицензион ҳудудидан жой олганлигини маълум қилганди. Ушбу спортчиларимизнинг учдан бир қисмини ҳам биз Тожикистон пойтахтида ўтказилган дзюдо бўйича Гран-при турнирида кўрмадик. Гарчанд мазкур мусобақа жаҳон ва «Париж – 2024» Олимпиадаси учун қимматли рейтинг очколарини тақдим қилишда муҳим аҳамият касб этса-да, Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Душанбе Гран-присида асосан ёшларга кўпроқ имкон беришди. Мусобақада 14 нафар эркак, 13 нафар аёл спортчимиз қатнашди.

Аёллар ўртасида -57 кг вазн тоифасида татамига чиққан MVSM вакили Шукуржон Аминова Германия, Италия, Хитой терма жамоаси вакиллари мағлуб этиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Унинг олтин медал учун баҳсдаги рақиби Италия терма жамоасининг яна бир аъзоси Туани Капани бўлди. Ҳамюртимиз бу рақибасини ҳам мағлубиятга учратди ва IJF таснифидаги мусобақаларда илк ғолиблигини нишонлади. Ушбу олтин медал Шукуржонга жаҳон рейтингини учун 700, «Париж – 2024» Олимпиадаси йўлида эса 350 очкони тақдим қилди.

# ШОҲСУПА

(хабарлар) 

## СПОРТ КУРАШЛАРИ



Қирғизистонда ўтказилган спорт курашлари бўйича халқаро рейтинг мусобақасининг эркин кураш беллашувларида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Сардорбек Холматов (-125 кг) финалда икки қарра Олимпиада совриндори грузиялик Гено Петриашвилига имкониятни бой бериб қўйди ва кумуш медалга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзоси Магомед Ибрагимов бронза медални қўлга киритди. Юнон-рум кураши бўйича баҳсларда эса Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Исломжон Баҳромов (-60 кг) ва Жалғасбай Бердимуратов (-87 кг) олтин, Ихтиёр Ботинов (-55 кг) ва Шермухаммад Шарифжонов (-63 кг) кумуш, Абдор Атабоев (-67 кг) бронза медалга сазовор бўлди.

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА



Филиппинда бадий гимнастика бўйича ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида юртимиз спортчилари 18 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Тахмина Икромов ва 5 йўналишда олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Лола Жўраева, Анастасия Сарансева ва Мишел Нестерова ҳам ўз йўналишларида ғолибликни нишонлади. Эвелина Аталянс, Ясмينا Раҳимова, Наталья Усова каби спортчиларимиз совриндорлар қаторидан жой олди.

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКА



Грециянинг Пирей шаҳрида енгил атлетиканинг узунликка сакраш йўналиши бўйича «Piraeus Street Long Jump» деб номланган халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Бутунжаҳон енгил атлетика федерациясининг тақвимидан ўрин олган «кумуш» даражадаги ушбу мусобақада қатнашган ҳамюртимиз Анвар Анваров 7.84 метр натижа билан бронза медални қўлга киритди. Ғолиблик Олимпиада чемпиони грециялик Милтиадис Тентоглуга насиб этган бўлса, швециялик Тобиас Монтер 2-ўринни эгаллади.

## ЎҚ ОТИШ



Германияда ўқ отиш бўйича ёшлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиладиган жаҳон кубоги босқичи бўлиб ўтди. 56 мамлакатдан 500 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун беллашган мусобақанинг 10 метрға пневматик тўппончадан отиш дастурида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Муҳаммад Камалов бронза медални қўлга киритди. Камалов ўтган йили ҳам шу ерда кечган мусобақанинг айнан ушбу йўналишдаги баҳслари якунида шоҳсупанинг 3-поғонасидан жой олган эди.

## ОТ СПОРТИ



Москвада якунига етган «Maxsima Masters Eurasia Cup – 2023» мусобақасининг ҳар бир қунида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари совриндор бўлди. Хусусан, ҳамюртимиз Хуршидбек Алимжонов «Бозарт Де Руэт» лақабли тулпори билан Гран-при йўналишида ғолибона юришини давом эттириб, 145 см.ли тўсиқлардан ўтишда 1-ўринни эгаллади. У халқаро турнирнинг 120–130 см баландликдаги 19 та тўсиқдан сакраш йўналишида «Корнетс Крек» лақабли тулпорида ҳам ўз ғалабасини тантана қилди. 130 см баландликдаги тўсиқлардан сакраш дастурида «Лео Кинг» лақабли тулпори билан ҳаракат қилган ҳамюртимиз Бекзод Курбонов эса 3-ўринни эгаллади.





(воқеий ҳикоя)

# САБР — БАХТ КАЛИТИ

– Афруза, бу ердан кўчишимизга тўғри келади, – кечки таомдан сўнг вазиятни бамайлихотир тушунтирди Аброр.  
– Хизматимни бошқа жойда давом эттираман, буйруқ шундай.

– Ҳазиллашманг, дада-си, пойтахтга келганимизга кўп бўлмади-ку, – пинагини бузмади эрининг ҳазилларига кўниқиб кетган Афруза.

– Кам ҳам бўлгани йўқ, яқин етти йилдан буён шу ерда хизматдаман. Мендан кейин келганлар аллақачон хизматини бошқа жойда ўтапти.

– Қаер... қаерга ўтказишди? – ранги ўзгарди жувоннинг.

– Шимоли-ғарбий ҳарбий округга.

– Нима?! – қотиб қолди Афруза. – Энди Хоразмда яшаймизми?

– ...

– Ёки... Қорақалпоғистондами?!

– Топдинг, худди шундай! Нега ваҳим қиласан, ҳамма жойнинг ўзига хос яхши-ёмон тарафи бор. У ерда ҳам ҳарбий оилалар учун ҳамма шароит яратилган.

– Барибир, пойтахтда яшаган бошқа-да. Болаларимиз махсус мактабларда ўқияпти. Менинг ишим нима бўлади?

– Нима бўларди, ўша ерда сен ишингни, болалар ўқишини давом эттиради.

– Мен... биз бу ерда қолсак-чи? Ўзингиз шароитга қараб, келиб-кетиб турардингиз. Барибир у ерда...

– Эртадан ҳаракатингни қил, бир ой ичида кўчиб кетамиз! – хотинига қатъият билан сўнги сўзини айтди Аброр.

Эрининг чўрткесар, бир-сўзлилигини билган Афруза айни фурсатда ҳар қандай иддао ортиқча эканини билиб, жим қолди.

Туни билан яхши ухлай олмаган жувон эри хизматга кетган заҳоти опаси Меҳринозга сим қоқди.

– ...Шунақа гаплар, опа. Ўзим ҳам, болаларим ҳам қийналадиган бўлдик.

«Бормайман!» деб оёқ тираб олсаммикан, нима дейсиз? Туни билан ўйлай-ўйлай, шундай хулосага келдим. Аброр ака қайсар бўлгани билан барибир биздан воз кечолмайди. Биз бормасак, хизматини тезроқ пойтахтга кўчиришга ҳаракат қилади.

– Аҳмоқмисан? Эркак ҳаммиса аёл меҳрига муҳтож. Эрининг айтганини қил...

Опасининг фикри Афрузага ёқмади. Ишхонасидаги қизларга «дарди»ни ёрди.

– Опажон, бормайман, деб тўғри қилибсиз, – гапира кетди ҳамширалардан бири. – Биз яшайдиган кўп қаватли уйда ҳарбий оилалар кўп. Баъзи келинларнинг эри узоқ вилоятларда хизмат қилади. Орада келиб-кетиб туради. Катта шаҳарда яшаганга нима етсин.

– Мен ҳам шуни айт-япман-да, – мақсадини қувватлайдиганлар борлигига кайфияти кўтарилди Афрузанинг. – Орол қурий бошлагандан кейин Қорақалпоғистонни туз босиб кетган, нафас олиш қийин, дейишади. Ёзи иссиқ, киши совуқ. Билмадим, у жойларда яшашни хаёл қилолмаяпман.

– Қарорингиз тўғри, ўйлаиб сиқилгунча, яхшиси, борманг, – дугонасининг гапини маъқуллади яна бир ҳамшира. – Катта ҳамшира бўлдингиз, бунга эришиш осонми? У ерларда бундай иш топиладими-йўқми? Шундай чиройли оиласини ташлаб, эрингиз қаёққа ҳам кетарди?

Ҳамкасблари фикрларидан қарори қувват олган жувон олдиға мақсад

қўйди: «Ҳеч қаёққа бормайман!»

Орадан икки кун ўтиб, Аброр янги хизмат жойига тез-тез суҳбатлашиб турди. Эри билан юзма-юз очиқ гаплашишга юраги дов бермаган Афруза Аброрга телефонда бормаслик қарорини билдирди. Йигит маълум фурсат жим қолди-ю, телефонини ўчирди ва хотини билан қайта боғланмади. Икки-уч кун ўтиб, жувон эрига қайта-қайта сим қоқди, аммо жавоб бўлмади. Икки ҳафта ўтгач, ўғил-қизи дадаларини соғиниб, оналарига ялинишга ўтди:

– Дадам нега телефон қилмаяпти, жуда соғиндим, – инжиқланди қизи Орзу.  
– Яхшиси, дадамнинг олдиға ўзимиз борайлик, охири кўнғироқларида сизларни кутяпман, деганди, – онасидан талаб қила бошлади ўғли Искандар.  
– Биз керак бўлсак, даданг ўзи келади, сабр қилинлар! – болаларини жеркиб берди уларнинг талабидан чарчаган Афруза.

Эртасига тушлик пайтида ҳамширалардан бири гапириб қолди:

– Кеча ён қўшнимиз Зилоланинг юраги хуруж бериб, аҳволи ёмонлашиб қолди, дарров биринчи ёрдам кўрсатиб, «103» чақирдим.

– Тинчликми?.. – бирин-кетин сўрай бошлади ҳамширалар.

– Эри узоқ вилоятга хизматга кетганди, у боришни истамасди. Шу баҳона икки боласи билан эр-хотин ажрашиб кетди. Кеча эри катта тўй қилиб, қиз болага уйланибди...

Афрузанинг юраги шувиллаб кетди. У Зилолани танирди. Эри Аброр билан бирга ўқиган. Наҳотки, икки боласи билан...

Ишдан эзилиб қайтган кайфиятсиз жувонни опаси Меҳриноз қарши олди.

– Мана, болаларинг билан сени кутиб ўтирибмиз, – Афрузани кулиб бағрига босди у.

– Опажоним, – кўзига ёш тўлди Афрузанинг, – менга ҳозир жуда керакми?

– Шунчалар бахтсиз эдимки, ўз-ўзимга раҳим келганидан ота-онамга хат ёздим. Ортиқ тоқат қилолмаслигим, бошқа кучим қолмаганини, бу ерда бир дақиқа ҳам қола олмаслигимни билдирдим. Бундан кўра турма яхшироқ! Отам эса икки сатрдангина иборат жавоб хати ёзиб юборибди. Ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборган ана шу икки сатр бир умр ёдимда сақланиб қолди:

«Панжара ортидан қараб турган икки кишидан бири тун зулматини кўрди, иккинчиси эса юлдузларни».

Ушбу сатрларни қайта-қайта ўқидим. Ва хатти-ҳаракатимдан уялиб кетдим. Мен юлдузларни кўришга аҳд қилдим.

Тез орада маҳаллий аҳоли билан дўстлашиб олдим. Уларнинг менга муносабатидан таъсирландим. Уларнинг матолари ва ҳунармандчилик буюмларига қизиқиш билдирганимда улар менга туристларга ҳам сотмаган буюмларини совға қилишарди. Кактусларнинг энг қадимги турларини ўргана бошладим. Ўтлоқ итлари ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим, саҳрода қуёшнинг ботишини кузатдим, қачонлардир миллион йиллар илгари океан туби бўлган саҳродан денгиз чиганоқларини қидирдим.

Менда бундай ўзгариш қандай пайдо бўлди?

Мохаве саҳроси ўзгариб қолгани йўқ. Ҳиндулар ҳам. Фақат мен ўзгардим. Мен қарашларимни ўзгартирдим. Шу тариқа ҳаётимнинг энг қийин дамларини ҳаяжонли саргузаштларга айлантирдим. Ўзим учун янги оламни кашф қилдим. Бу олам мени ҳаяжон солар, илҳомлантирарди. Шунчалар таъсирландимки, бу ҳақда «Нурафшон қўрғонлар» романини ёздим. Шундай қилиб мен ўзим яратган турмадан юлдузларни кўрдим».

Афруза машҳур ёзувчи ҳақидаги ҳаётий сатрларни ўқиб, китобни бағрига босганча жим қолди. У Тельма Томпсонни машҳур ёзувчига айлантирган оғир шароит шубҳасизки унинг иродаси, қизиқиши ва интилувчанлиги билан узвий боғлиқ эканини ҳис қилиб турарди. «Ахир Қорақалпоғистон Моҳаве саҳроси эмас, юртимизнинг бир парчаси-ку. Қанчадан-қанча юртдошларимиз ўша ерда яшайди, ишлайди. Кўрмаган жойим ҳақида нотўғри фикр билдириш... Бўлди, эртагаёқ болаларимни олиб, турмуш ўртоғим олдиға жўнайман!..»

Дейл Карнеги томонидан таниқли ёзувчи аёл Тельма Томпсон ҳаёти ёритилган ушбу воқеа Афрузани бир зумда сеҳрлаб қўйди. Яъни ирода, интилиш, яратувчанлик ҳар ким эриша оладиган инсонга хос кучдир. Фақат ундан фойдалана билиш керак. Ёзувчининг ҳаётида чуқур из қолдирган ҳаёт синови бунга яққол мисол бўла оларди:

«Уруш даврида эримни Нью-Мексика штатида жойлашган Моҳаве саҳросидан унчалик узоқ бўлмаган ҳарбий ўқув лагерига хизматга тайинлашди. Ундан айрилмаслик мақсадида бу ерга бирга келдим. Тез кунда бу жойни кўришга кўзим қолмади. Ундаги ҳамма нарсадан кўнглим озарди. Ҳеч қачон ўзимни бунчалик бахтсиз сезмаганман. Эримни саҳрога – ўқув машқларига жўнатишди. Кичкина уйчада ёлғиз ўзим қолдим. Иссиққа чидаб бўлмасди. Кактуслар соясида Фаренгейт бўйича 125 (45) даража эди. Яқин орада мен гаплаша оладиган одам йўқ. Атрофимдагилар инглиз тилида гапиришни билмайдиган мексикаликлар, ҳиндулар».

## «МЕН ЮЛДУЗЛАРНИ КЎРИШГА АҲД ҚИЛДИМ»

Дейл Карнеги томонидан таниқли ёзувчи аёл Тельма Томпсон ҳаёти ёритилган ушбу воқеа Афрузани бир зумда сеҳрлаб қўйди. Яъни ирода, интилиш, яратувчанлик ҳар ким эриша оладиган инсонга хос кучдир. Фақат ундан фойдалана билиш керак. Ёзувчининг ҳаётида чуқур из қолдирган ҳаёт синови бунга яққол мисол бўла оларди:

«Уруш даврида эримни Нью-Мексика штатида жойлашган Моҳаве саҳросидан унчалик узоқ бўлмаган ҳарбий ўқув лагерига хизматга тайинлашди. Ундан айрилмаслик мақсадида бу ерга бирга келдим. Тез кунда бу жойни кўришга кўзим қолмади. Ундаги ҳамма нарсадан кўнглим озарди. Ҳеч қачон ўзимни бунчалик бахтсиз сезмаганман. Эримни саҳрога – ўқув машқларига жўнатишди. Кичкина уйчада ёлғиз ўзим қолдим. Иссиққа чидаб бўлмасди. Кактуслар соясида Фаренгейт бўйича 125 (45) даража эди. Яқин орада мен гаплаша оладиган одам йўқ. Атрофимдагилар инглиз тилида гапиришни билмайдиган мексикаликлар, ҳиндулар».



# ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Умумтаълим мактабларида ўқув йили яқунлангач, болажонлар ёзги таътилда соя-салқин, баҳаво масканларда мириқиб ҳордиқ чиқаришга чоғланади. «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ана шундай сўлим гўшалардан биридир. Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ушбу маскан Бўстонлиқ тумани Хондайлик қишлоғидаги 7,7 гектар майдонни қамраб олган. Ёзги таътил мавсумининг дастлабки сменасида ушбу сўлим гўша ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларининг 100 нафардан зиёд фарзандига ўз бағрини очди.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий округларидан оромгоҳнинг дастлабки сменаси учун рўйхатга олинган дам олувчилар давлат ва ҳарбий автомобиль назорати кўмагида манзилга етиб келди. Болаларнинг бир олам шодлигини юзу кўзларидан билиш мумкин.

Ушбу хушманзара ва баҳаво маскан жорий йилда ёзги мавсум учун шай ҳолатга келтирилди. Бу ерда тиббиёт пункти, шинам ётоқхона, кутубхона, ошхона, стадион, амфитеатр, сузиш ҳавзаси ва тўғарак хоналари болажонларнинг таътил вақтини сермазмун ўтказишга замин яратади. Дастлабки сменага қабул қилинган болалар ёш тоифасига кўра, гуруҳларга бўлиниб, уларга алоҳида тарбиячилар бириктирилган. Болажонлар ўз қизиқишига кўра, беш ташаббус доирасидаги ўндан ортиқ тўғаракда билим ва кўникмаларини оширади. Қуролли Кучлар давлат музейининг кўчма кўргазмалари, спорт бўйича турли маҳорат дарслари ўғил-қизларнинг ёзги таътил даврини қизиқарли ва эсда қоларли ўтказишга хизмат қилади.

– Сузиш – болалар учун севимли машғулот. Сузиш бўйича мураббий сув ҳавзасидаги техник ва хавфсизлик қоидаларини тушунтирганидан кейин болалар бирин-кетин сувга шўнғийдилар. 400 куб сигимга эга сузиш ҳавзасининг чуқурлиги 130 сантиметр бўлиб, суви доимий филтрдан ўтказиб турилади, – дейди оромгоҳ шифокори тиббий хизмат подполковниги Дилноза Убайдуллаева.

Ошхонада эса табиий витамин ва дармондориларга бой тансиқ таомлар ҳар қандай кичкинтойнинг



Muallif suratga olgan

иштаҳасини очади. Моҳир ошпазлар хўрандалар учун мазали егуликларни тайёрлаш ва тортишда санитария-гигиена талабларига қатъий эътибор қаратмоқда.

Оромгоҳда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш тизимли йўлга қўйилган. Бунинг учун болажонларнинг оромгоҳда ўтадиган кунлари маънавий, эстетик ва жисмоний сифатларни такомиллаштиришга оид алоҳида шиор асосида ташкил этилмоқда. Хилма-хил тўғараклар узлуксиз фаолият олиб бориши учун зарур шароит ва жиҳозлар билан таъминланган. Жадвал асосида кичик гуруҳларнинг жамоавий ва интеллектуал ўйинлари, кўргазмали чиқишлари намойиш этилади.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Мудофаа вазирлигига қарашли Ёқуб Турсунов номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи 150 га яқин ўсмирни ўз бағрига қабул қилган. Бу ерда ўғил-қизларнинг мароқли дам олишлари, машғулотларда қатнашиши учун барча шароитлар яратилган. Президентимиз

томонидан илгари сурилган беш ташаббус ижроси доирасида болаларнинг китобхонлик, спорт, санъат билан шуғулланишлари ва турли тўғаракларда иштирок этишларига алоҳида эътибор қаратилган. Улар ўртасида турли кўрик-танлов ва мусобақалар ўтказилиб, яқунда ғолиб ва совриндор болажонлар муносиб рағбатлантирил-япти. Ҳарбий оркестр садолари остидаги куй-қўшиқлар болажонлар томонидан тайёрланган қувноқ ўйин-кулгиларга уланади.

Ёзги таътил кунларини оромгоҳда ўтказётган ўғил-қизлар учун ҳарбий хизматчилар томонидан уюштирилган концерт дастури барчани рақсга чорласа, турли жамоавий ўйинлар болажонларга ўзгача завқ улашиб, куннинг мазмунли ўтишини таъминламоқда. Айниқса, кўғирчоқ театри актёрлари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари болажонлар учун унутилмас онларни тўхфа этмоқда.

**Катта лейтенант  
 Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
 «Vatanparvar»**





Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида «Ёшлар ойлиги» муносабати билан «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган фестиваль доирасида 3 километрга югуриш ҳамда веломарафон бўлиб ўтди.

Бир Ватанда, бир вақтда, бир хил масофага, бир мақсад йўлида ташкил этилган марафонда 3 000 дан ортиқ ёш сафида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари ҳам фаол иштирок этди.

Фестивалнинг давоми пойтахтдаги Ёшлар маркази биносидан бўлиб ўтган «Бизнес марафони»га уланди. Унда юртимизнинг таниқли ишбилармонлари томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш ва маркетингда улкан ютуқларга эришиш борасида ёшларга керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида фестиваль иштирокчилари ҳамда

# БИРДАМЛИККА ЧОРЛАГАН ФЕСТИВАЛЬ



ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари ва фарзандлари учун меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Нукус шаҳридаги 55 метрлик қўшбайроқлар остида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида ёшлар сайли ҳамда гала-концерт дастурлари ташкил этилди. Шу куни барча олий таълим муассасалари талабалари ҳамда ҳарбий хизматчилар ўртасида спорт, маданият ва санъат йўналишларида танловлар ҳамда «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестр жамоаси томонидан ижро этилган ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон классик намуналари ҳамда ҳарбий жанговар мусиқалар ёшлар фестивали иштирокчиларида бир олам таассурот қолдирди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**

## ✓ HARBIY-VATANPARVARLIK

### YOSHLAR BILAN BIR KUN

Yurtimizda “Yangi O‘zbekiston – yoshlar mamlakati!” shiori ostida o‘tkazilayotgan “Yoshlar oyliги” munosabati bilan “Vatanparvar” tashkiloti Buxoro viloyati kengashi tasarrufidagi Buxoro shahri o‘quv sport-texnika klubi tomonidan harbiy-vatanparvarlik tadbiri tashkil etildi.



Unda tashkilot tizimida mehnat qilayotgan xodimlarning farzandlari, mahallalarda istiqomat qilayotgan yoshlar, Qurolli Kuchlar faxriylari ishtirok etdi. So‘zga chiqqanlar “Yoshlar oyliги” munosabati bilan barchani samimiy muborakbod etib, yoshlarga kelajakda ma‘nan va jismonan yetuk, vatanparvar inson bo‘lib

yetishishlarini tiladilar. So‘ngra tadbir harbiy orkestr va “Barkamol avlod” bolalar markazi huzuridagi “Feruza” raqs ansambli ijrosidagi kuy-qo‘shiqlarga ulanib ketdi.

Tashrif buyuruvchilarga “Vatanparvar” tashkiloti tizimidagi sportning texnik va amaliy turlari seksiyalari ko‘rgazmalari namoyish etildi. Ularga, shuningdek, tajribali sport murabbiylari tomonidan avia va raketa modellarini yasash bo‘yicha mahorat darsi o‘tildi. Ayniqsa, bolalar o‘rtasida o‘tkazilgan rasm va “Yo‘l harakati bilimdoni” tanlovlari hamda shaxmat-shashka, stol tennisi bo‘yicha musobaqalar ular uchun olam-olam quvonch va unutilmas taassurotlarni hadya etdi.

Yakunda tanlov va bellashuvlarda g‘oliblikni qo‘lga kiritgan hamda faol qatnashgan bolalarga “Vatanparvar” tashkilotining faxriy yorliq va esdalik sovg‘alari topshirildi.



“Yoshlar oyliги” munosabati bilan poytaxtimizning “Xalqlar do‘stliги” san‘at saroyi qarshisida harbiy-vatanparvarlik tadbiri o‘tkazildi.

### BARCHANING QIZIQISHINI OSHIRDI



Unga tashrif buyurgan yuzlab yurtdoshlarimiz Mudofaa vazirligi harbiy orkestri hamda Qurolli Kuchlar Markaziy ashula va raqs ansambliining Vatanni madh etuvchi konsert dasturlaridan bahramand bo‘ldilar.

Ayniqsa, tadbir davomida O‘zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko‘maklashuvchi “Vatanparvar” tashkiloti Toshkent shahri kengashi tizimidagi avtokross, motokross, karting, duatlon, pnevmatik quroldan o‘q otish, aviamodel, raketamodel singari sportning texnik va amaliy turlari bo‘yicha seksiyalarning

ko‘rgazmalari barcha yoshdagi tadbir ishtirokchilari qiziqishiga sabab bo‘ldi.

E‘tiborlisi, “Vatanparvar” tashkilotining ko‘rgazmalaridan boy taassurotlarga ega bo‘lgan ko‘plab bolalar, o‘smirlar va yoshlar ushbu sport seksiyalariga a‘zo bo‘lish istagini bildirdilar. Bundan tashqari, fuqarolarga targ‘ibot vositalari orqali tashkilotda yoshlar uchun sport bilan shug‘ullanish va texnik kasblarga o‘qish bo‘yicha yaratilgan imkoniyat va imtiyozlar to‘g‘risida ma‘lumotlar berildi.

Albatta, bu kabi tadbirlar aholi, ayniqsa yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning ongiga Vatanga muhabbat va harbiy xizmatga hurmat tuyg‘ularini singdirishda muhim o‘rin tutadi.











# КАМҚОНЛИК ҲАМ КАСАЛЛИК

Тез чарчаяпсиз, терингиз рангпар тусда. Лабларингиз ҳам аввалги ол рангини йўқотгандек. Булар камлик қилгандек негадир доимо заифлик сезасиз. «Баҳор фасли бўлгани учун организмда шундай ўзгариш бўляпти», деб ўйлаяпсизми? Йўқ, ўзингизни овутманг. Эҳтимол, буларнинг барчаси камқонлик билан боғлиқдир. Унутманг, камқонлик ҳам касаллик саналади. Бошқа кўплаб қон касалликларидан фарқли ўлароқ, камқонлик жуда кенг тарқалган. Статистик маълумотларга кўра, бугун дунё аҳолисининг чорак қисми камқонликдан азият чекмоқда. Яхшиямки, аксарият ҳолларда гап касалликнинг энгил шакллари ҳақида боради, ваҳоланки, улар баъзида инсон ҳаётига таҳдид солади.

## БИЛАСИЗМИ...

Катта ёшли одамнинг та-насида тахминан 5 литр қон мавжуд. Агар сиз ўз танангизда қанча қон борлигини билмоқчи бўлсангиз, унда эслаб қолинг: бу тана вазнининг 7 фоизини ташкил қилади. Қон ўзининг асоси бўйича таркибида тузлар бўлган сувдир, аммо унинг энг муҳим таркибий қисми қон ичида айланиб юрадиган ҳужайралардир. Ушбу ҳужайралар суяк илигида ҳосил бўлади ва уларнинг қийматини ортиқча баҳолаш қийин. Эритроцитлар, яъни қизил қон таначаларининг ўзигагина ўпқадан чиқадиган кислородни танамизнинг барча тўқималарига етказиши ва шу билан нафас олишда қатнашади. Айнан улар қонни қизил рангга киритади. Бошқалари, масалан, оқ қон ҳужайралари бизни микроб ва вируслардан ҳимоя қилади. Ва ниҳоят, учинчи хил ҳужайралар – тромбоцитлар шикастланганимизда қон кетишини тўхтатади. Агар қайсидир ҳужайра миқдори жуда камайиб кетса ёки ўз функциясини бажаришдан тўхтаса, соғлиғимиз ёмонлашади.

Камқонликнинг ривожланиши ушбу ҳужайралардан бири – қизил қон таначалари етишмаслиги билан боғлиқ. Аммо баъзида қизил қон таначаларининг сони сақланиб қолган ҳолатда уларнинг асосий таркибий қисми – кислородни олиб юрадиган гемоглобин оқсилнинг сони камаяди. Натийжада қизил қон таначалари «сифатсиз» бўлиб қолади ва уларнинг функциялари, ҳатто қизил қон ҳужайралари сони ўзгармас ҳам ишдан чиқади.

Шундай қилиб, биз камқонлик нималигини билиб олдик – қизил қон таначалари ёки улар таркибидаги гемоглобин миқдори камайганда юзага келадиган ҳолат. Ушбу ҳужайралар нафас олган кислородимизни танадаги барча тўқима ва ҳужайраларга етказиш учун жавобгардир, шунинг учун камқонлик билан организм аста-секин «бўғила» бошлайди.

Яхшиямки, танамиз мукамал мослашиш қобилиятига эга ва вақт ўтиши билан эритроцитлар ёки гемоглобиннинг етишмаслиги ўрнини қоплай олади. Бироқ эртами-кеч, организм камқонликка қарши туриш ва унинг оқибатларини яшириш учун сарф этиладиган кучини йўқотади. Бундай ҳолда камқонлик белгилари пайдо бўла бошлайди.

## БЕЛГИЛАРИ

Камқонликнинг асосий белгиларидан бири – доимий чарчоқ ҳисси. Бунинг ажаблаларли жойи йўқ: ҳужайралар кам кислород олгач, уни тежайди ва аввалгидан камроқ фаол ишлай бошлайди. Аммо ҳар доим ҳам чарчоқ ҳисси камқонлик белгиси бўлавермайди, унинг бошқа сабаблари бўлиши мумкин.

Камқонликнинг бошқа белгилари орасида нафас қисиши, ишчанлик ва диққат пасайиши, сержаҳллик мавжуд. Бу ажаблаларли эмас, чунки тана тўқималари улар учун жуда зарур бўлган даражада кислород қабул қилмаяпти! Камқонлик

кучайгани сайин терининг ранги оқариб кетади ҳамда қўл ва оёқлар совуқ бўлиб, доимий музлайди.

Касалликнинг яна бир белгиси – бу юрак уриши тезлашиши: юрак ҳеч бўлмаса шу йўл билан тўқималарга кўпроқ қон етказиб беришга ва кислород етишмаслигини сифат орқали эмас, миқдор орқали қоплашга ҳаракат қилади. Унинг фониде бош айланиши ва оғриғи пайдо бўлиши мумкин.

Кўришиб турибдики, барчамиз камида бир марта камқонликнинг қайсидир белгисини бошдан кечирганмиз. Улар ажаблаларли даражада ўзига хос эмас: тезлашган пульс, нафас қисилиши, чарчоқ ва ҳатто энгил бош айланиши оддий югуришдан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ушбу аломатлар мавжудлиги фақатгина камқонликка шубҳа қилиш имконини бериши мумкин, аммо улар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш мумкин эмас.

## ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ

Камқонликнинг энг кенг тарқалган тури бу темир танқислигидир. Номидан кўришиб турибдики, организмда гемоглобиннинг асосий таркибий қисми бўлган темир моддасининг етишмаслиги. Бунинг сабаблари етарлича бўлиши мумкин, аммо уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат: темир моддаси ё овқат билан етарли миқдорда таъминланмайди ёки танадан ортиқча чиқарилади. Шифокорлар ушбу сабабларнинг қайси бири кўпроқ тарқалгани тўғрисида баҳслашади, аммо иккиси ҳам жуда муҳимдир.

Кўп миқдорда темир гўштада, жигарда, кам миқдорда барра сабзавотларда, қуритилган меваларда, дуккакли экинлар ва ҳатто бутун донли нонда учрайди. Дўконларда учрайдиган баъзи маҳсулотлар темир моддаси билан алоҳида бойитилган бўлади. Аммо инсоннинг темирни озиқ-овқат орқали сингдириш қобилияти жуда чекланган: кунига бир неча миллиграммдан ошмайди. Айнан шунинг учун йўқотилган темир моддаси ўрнини дори воситалари ёки озиқ-овқат билан тўлдириш тез бажарилмайдиган иш эмас. Таъсир сезилиши учун ҳафталар ва ойлар кутиш керак.

Демакки, темир моддасини ўзлаштириш шунчалик қийин экан, танамиз унга нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашишга ва уни ҳар томонлама тежайиши ўрганишига тўғри келади. Ўз ҳаётини яшаб бўлган қизил қон ҳужайралари (улар бир ярим ойдан икки ойгача яшайди) таркибидаги темирнинг кўп қисми яна ишлатилади. Шундай қилиб, танадаги темир миқдори жуда барқарор қийматдир. Унда нима учун темир танқислиги камқонлиги тез-тез учраб туради? Жавоб оддий: темирни йўқотиш ёки унга бўлган эҳтиётнинг ортиси туфайли.

## ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИ

Энгил камқонлик темир моддаси юқори бўлган таомларга ва ушбу металлни ўз ичига олган озиқ-овқат қўшимчаларига асосланган маҳсус

парҳез билан даволанади. Бу даво чорасини узоқ вақт давом эттириш керак: бир неча ҳафта ва ойлар давомида, ҳатто қизил қон таначалари ва гемоглобин миқдори нормал қийматларга қайтгандан кейин ҳам. Чунки улар танада темир сақланадиган омборни яратиш учун зарур. Акс ҳолда, такрорий камқонлик хавфи жуда катта.

Камқонликнинг оғир шакллари даволашда эса беморга қон ёки унинг шаклий элементларини қуйишни талаб қилади. Баъзи мамлакатларда эритропоезин ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи дорилар кенг қўлланилади, аммо уларнинг хавфсизлиги ҳақида жумбоқлар мавжуд.

## ПРОФИЛАКТИКАСИ

Бошқа кўплаб касалликлар сингари камқонликни даволашдан кўра олдини олиш осонроқ. Камқонлик профилактикаси учун экзотик усул сифатида денгиз сатҳидан нисбатан баланд ҳудудларга кўчиб ўтиш ҳам тақлиф қилиниши мумкин. Аниқланишича, тоғли ҳудудларда бирмунча вақт яшаган одамлар анемияга камроқ мойил бўлади, чунки уларнинг танаси гемоглобинни аввалгига қараганда кўпроқ миқдорда ишлаб чиқаришни «ўрганган». Айтганча, ушбу услуб спортчилар билан машғул олиб боришда ҳам қўлланилади.

Темир танқислиги камқонликнинг асосий сабаби эканлигини ҳисобга олсак, тўғри овқатланишнинг аҳамияти жуда катта.

Бунда темир моддасига бой овқатлар: жигар, ёғсиз гўшт, денгиз маҳсулотлари, қуритилган мевалар, ёнғоқлар, брокколи ва исмалоқ ҳамда барча дон маҳсулотлари кундалик таомномадан ўрин олиши зарур.

Агар бу етарли бўлмаса, витамин-минерал комплекслар ва таркибида темир моддаси сақловчи препаратлардан фойдаланиш мумкин.

## УЛАР ҚАНДАЙ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИ?

Кўплаб темир препаратлари ошқозонни безовта қилади, шунинг учун уларни озиқ-овқат билан бирга қабул қилиш керак. Дориларни шифокор кўрсатмаси асосида истеъмол қилинг ва бу жараёнда йўриқномада кўрсатилган дозалар ва режимга диққат билан амал қилишни унутманг.

Ёдда тутинг: С витамини темир моддаси сўрилишини рағбатлантиради. Баъзи маҳсулотлар эса аксинча, бунга халақит беради: масалан, сут, қаҳва ва чой.

Шундай қилиб, камқонликнинг олдини олиш ва даволашнинг аҳамияти жуда катта. Лекин баъзи инсонлар камқонликни нормал ҳолат деб адашади. Афсуски, ундай эмас, камқонлик ҳаёт сифатини ёмонлаштириши ва одамни бошқа касалликларга мойил қилиши билан хавфлидир. Шунинг учун касалликни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш муҳим.

Г. ҲОЖИМУРОВА тайёрлади.







# ПОЙТАХТ БОҒЛАРИДА



@Vatanparvargazetasi\_bot  
 "Vatanparvar" birlashgan tahririyati  
 bilan bog'lanish uchun telegram bot

SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI



Болалар ҳаётимиз давомчилари, келагачимиз эгаларидир. Уларни асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ҳар бир давлат, ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг истаги, муқаддас бурчидир.

Ёшларда юртимизда бўлаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш ҳамда уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларимизга, халқимизнинг буюк тарихи, маънавий меросига ҳурмат руҳида камол топтириш мақсадида «Янги Ўзбекистон – ёшлар мамлақати» шиори остида «Ёшлар ойлиги»га старт берилди. Шу муносабат билан жойларда турли маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар, ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари ўтказилиши режалаштирилган.



Мазкур режага мувофиқ, пойтахтимизнинг «Дўстлик» истироҳат боғида, «Халқлар дўстлиги» санъат саройи ҳамда Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида Мудофаа вазирлиги оркестри ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерт дастурлари намойиш этилди. Концертга ташриф буюрган юртдошларимиз

ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқларни тинглаб, юртимиз тинчлигига, фарзандларимиз бахту камолига салавотлар айтган бўлса, ижро этилган шўх-шодон ашулаларга рақсга тушиб, кўнгилларини хушнуд этди.

Ёшлар ва шаҳар аҳолиси иштирокидаги ушбу фестиваллар доирасида ҳарбий кинологларимиз томонидан махсус чиқишлар, юрт посбонларининг қўл жанги усуллари ҳам намойиш қилинди. Шунингдек, Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи томонидан ташкил этилган кўргазмалар майдончаси ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Фестивалларда фахрийлар билан ёшлар ўртасида учрашув ва мулоқотлар уюштирилиб, уларга ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар ҳақида маълумотлар, армиядаги интизом ҳусусида тушунчалар берилди. «Ёшлар ойлиги» доирасида ўтказилаётган бу каби тадбирлар юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
«Vatanparvar»



**VATANPARVAR**

MUASSIS



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MUDOFAA  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

**Tahririyat kengashi:**

general-mayor Hamdam Qarshiyev  
 polkovnik Otabek Yuldashev  
 polkovnik Alisher Boboxonov  
 Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Bosh muharrir:**

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

**Telefonlar:**

kotibiyat: 71 260-36-50  
 buxgalteriya: 71 260-35-20  
 yuridik bo'lim: 71 260-29-41  
 faks: 71 260-32-29

**Navbatchi:** Furqat Ergashev

**Sahifalovchi:** Nodirabegim Ne'matova  
**Musahhih:** Sayyora Meliqo'ziyeva

Buyurtma: Г-0605  
 Hajmi: 6 bosma taboq  
 Bichimi: A3  
 Adadi: 33 656 nusxa  
 Bosishga topshirish vaqti: 14:00  
 Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
 Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga "O'zbekiston" NMIU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi.  
 Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.  
 Bahosi: kelishilgan narxda.

"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.  
 Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:  
 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.